

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ
ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

**ШНҚ 2.09.17-21 «САНОАТ КОРХОНАЛАРИНИНГ БОШ РЕЖАЛАРИНИ
ЛОЙИХАЛАШ» ШАҲАРСОЗЛИК НОРМАЛАРИ ВА ҚОИДАЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ
ТЎҒРИСИДА**

**[Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил 3 июнда ҳисобга
олинди, ҳисоб рақами 256]**

Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодексига мувофиқ буюраман:

1. ШНҚ 2.09.17-21 «Саноат корхоналарининг бош режаларини лойиҳалаш» шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги, Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси билан келишилган.

3. Ушбу буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир Б. ЗАКИРОВ

Тошкент ш.,
2024 йил 29 апрель,
01/2-16-сон
Келишилди:

Фавқулодда вазиятлар вазири А. КУЛДАШЕВ

2024 йил 12 апрель

Тоғ-кон саноати ва геология вазири Б. ИСЛАМОВ

2024 йил 9 апрель

**Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитасининг раиси
Б. ЮСУПАЛИЕВ**

2024 йил 1 апрель

**Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирининг биринчи
ўринбосари О. ҚУДРАТОВ**

2024 йил 19 апрель

ШНҚ 2.09.17-21 «Саноат корхоналарининг бош режаларини лойиҳалаш» шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари

Мазкур шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари (бундан буён матнда ШНҚ деб юритилади) янги, кенгайтирилади ва реконструкция қилинаётган саноат корхоналарининг худудларини лойиҳалаштиришга оид бўлган талабларни белгилайди.

1-боб. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари, санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига ҳаволалар

1. Мазкур ШНҚда қуйидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари, санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига ҳаволалар қўлланилган:

Ўзбекистон Республикаси корхоналари учун атмосфера ҳавосини ифлослантириш манбаларини инвентаризациядан ўтказиш ва унга чиқариб ташланадиган ифлослантирувчи моддаларни меъёрлаш бўйича йўриқнома (рўйхат рақами 1533, 2006 йил 3 январь);

Ўзбекистон Республикаси кўмир шахталаридаги хавфсизлик қоидалари (рўйхат рақами 114, 2009 йил 25 май);

ШНҚ 2.01.02-04 «Бино ва иншоотларнинг ёнғин хавфсизлиги»;

ҚМҚ 2.01.03-19 «Сейсмик худудларда қурилиш»;

ҚМҚ 2.01.07-96 «Юклар ва таъсирлар»;

ҚМҚ 2.01.08-19 «Шовқиндан ҳимоя»;

ҚМҚ 2.02.05-98 «Динамик юкламани машиналарнинг пойдеворлари»;

ШНҚ 2.04.02-19 «Сув таъминоти. Ташқи тармоқлар ва иншоотлар»;

ҚМҚ 2.04.03-19 «Канализация. Ташқи тармоқлар ва иншоотлар»;

ШНҚ 2.04.07-22 «Иссиқлик тармоқлари»;

ШНҚ 2.04.08-22 «Газ таъминоти. Лойиҳалаш талаблари»;

ШНҚ 2.04.09-07 «Бино ва иншоотларнинг ёнғин автоматикаси»;

ШНҚ 2.05.02-07 «Автомобиль йўллари»;

ШНҚ 2.07.01-03* «Шаҳарсозлик. Шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктлари худудларини ривожлантириш ва қурилишини режалаштириш»;

ШНҚ 2.07.02-22 «Қурилиш объектларини ногиронлиги бўлган шахслар ҳамда кексалар эҳтиёжини инобатга олган ҳолда лойиҳалаштириш»;

ҚМҚ 2.07.03-97 «Қорхоналар, бинолар ва иншоотлар худудларини тўсиш»;

ШНҚ 2.09.21-22 «Ёнғин-қутқарув деполари ва постлари»;

ШНҚ 2.09.04-09 «Қорхоналарнинг маъмурий ва маиший бинолари»;

СанҚваН 0244-07 «Хўжалик ичимлик суви қувурлари ва сув таъминоти учун мўлжалланган санитар кўриқланадиган зоналардан фойдаланиш ва лойиҳалаштиришнинг санитария қоидалари ва нормалари»;

СанҚваН 0008-20 «Турар жойларда, жамоат биноларида, аҳоли яшаш худудларида ва дам олиш зоналарида рухсат этилган шовқин даражасининг санитария қоидалари ва меъёрлари»;

СанҚваН 0331-16 «Ўзбекистон иқлими шароитида тураржой биноларини лойиҳалаш, қуриш ва таъмирлаш бўйича санитария қоидалари ва нормалари»;

СанҚваН 0339-16 «Ўзбекистон аҳоли пунктларини режалаштириш ва ривожлантириш бўйича санитария қоидалари ва нормалари»;

СанҚваН 0350-17 «Ўзбекистон Республикаси аҳоли турар-жой атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш санитария қоидалари ва нормалари» ;

СанҚваН 0318-15 «Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги сув ҳавзаларида сувни муҳофаза қилиш бўйича гигиеник ва эпидемияга қарши талаблар».

2-боб. Атамалар ва таърифлар

2. Ушбу ШНҚда куйидаги атама ва таърифлардан фойдаланилган:

саноат корхонаси — саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ёки қайта ишлаш фаолияти билан шуғулланувчи корхона;

автотураргоҳ — транспорт воситаларини доимий, вақтинча ёки мавсумий сақлаш (туриши) учун мўлжалланган алоҳида ёки қўшиб қурилган, ерусти, ерусти ёки бирлашган бино, иншоот (бино ёки иншоотнинг қисми) ёхуд махсус очик майдон;

бош режа — ер участкасини режавий ташкил этишнинг тарҳи, қурилиш фаолиятини тартибга солувчи, аҳолининг хавфсиз яшаши шарт-шароитларини, зарур санитария-гигиеник, экологик талаблар таъминланишини белгилайдиган лойиҳа ҳужжатининг тури;

ер участкаси — ер фондининг қайд этилган чегарага, майдонга, жойлашиш манзилига, ҳуқуқий режимга ҳамда давлат ер кадастрида акс эттириладиган бошқа хусусиятларига эга бўлган қисми;

ишлаб чиқариш объектлари — одамлар ва технологик асбоб-ускуналар ишлаши учун зарур шарт-шароитлар таъминладиган ишлаб чиқаришни жойлаштириш учун мўлжалланган бинолар ҳамда иншоотлар;

муҳандислик тармоқлари — аҳоли пунктлари, корхоналарнинг ҳудудларида, турли вазифалар учун мўлжалланиб ётқизиладиган қувурлар ва кабеллар;

ногиронлиги бўлган шахс — ижтимоий ёрдам ва ҳимояга, жамият ва давлатнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳаётида бошқалар билан бирга тенг тўлиқ ва самарали иштирок этиш учун шарт-шароитлар яратилишига муҳтож барқарор жисмоний, ақлий, сенсор (сезги) ёки руҳий нуқсонлари бўлган шахс;

санитария-муҳофаза зонаси (СМЗ) — ичимлик, маиший ва даволаш-соғломлаштириш мақсадлари учун фойдаланилаётган, лойиҳалаштирилаётган, қурилаётган ва реконструкция қилинаётган сув объектларига туташ, режим асосида муҳофаза этиладиган, уларни санитария-эпидемиологик жиҳатидан ишончлилигини таъминлаш мақсадида ташкил қилинадиган табиий ҳудуд;

функционал зоналар — ҳудудий режалаштириш ҳужжатлари (ҳудудий режалаштиришнинг бош режалари ва схемалари) орқали ҳудуднинг асосий вазифаларини ушбу зоналарда қурилишнинг режалаштирилаётган ривожланиш параметрларини аниқлаб бериш билан белгиланувчи чегаралари акс эттирилган зоналар;

қурилиш зичлиги — бинолар ва иншоотлар ерусти қисмидаги қаватларнинг ташқи деворлари габаритларида ҳисобланиб, ҳудуддаги бир гектарга тўғри келадиган умумий майдони (m^2/ha) ва кўча-йўл тармоқларининг ҳудуддаги бир гектарга тўғри келадиган узунлиги.

3-боб. Саноат корхоналарини жойлаштириш

1-§. Асосий талаблар

3. Саноат корхоналарини жойлаштириш ҚМҚ 2.01.03-19 талабларига мувофиқ амалга оширилиши лозим.

4. Саноат корхоналарини ёрдамчи хизматлар, муҳандислик ва транспорт таъминоти, маданий-маиший хизмат кўрсатиш тизими объектлари билан бирлаштирган ҳолда жойлаштирилишига йўл қўйилади.

2-§. Саноат корхоналарини қуриш учун ер участкаларини танлаш

5. Янги саноат корхоналарини қуриш (жойлаштириш) учун ер участкалари ШНҚ 2.07.01-03*, ҚМҚ 2.01.03-19 ва СанҚваН 0350-17 талабларини инобатга олган ҳолда танланиши керак.

6. Саноат корхоналарини қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар ёки қишлоқ хўжалиги учун яроқсиз бўлган ерлар ёхуд қишлоқ хўжалигининг сифати ёмон ерларида жойлаштириш лозим.

7. Саноат корхоналарини фойдали қазилмалар жойлашган ерларда жойлаштиришга йўл қўйилади.

8. Саноат корхоналарини қуйидаги ҳудудларда жойлаштиришга йўл қўйилмайди:
сув таъминоти манбалари санитария-муҳофаза зонасининг биринчи минтақасида;
курортлар санитария-муҳофаза зонасининг биринчи минтақасида, агар корхона курортнинг табиий даволаш воситаларидан фойдаланиш билан боғлиқ бўлмаса;

рекреация зоналарида;

муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ерлари ва уларнинг кўриқланма зоналарида;

тарихий, маданий ва табиат ёдгорликларининг муҳофаза зоналарида;

кўмир ва бошқа кон ишланмаларининг маъдан чиқиндилари уюлган жойларнинг хавфли зоналарида;

органик ва радиоактив чиқиндилар билан ифлосланган участкаларда, санитария қоидалари нормалари ва гигиена нормативларига мувофиқ белгиланган муддатлар яқунлангунига қадар;

тўғон ёки дамба бузилиши натижасида ҳалокатли сув босиши рўй бериши мумкин бўлган ҳамда ҳалокатли сув босиш зоналарида.

9. Саноат корхоналарининг ҳудудлари, умумий тармоқ темир ва автомобил йўллари, шунингдек сув объектлари билан ажратилган майдонларга бўлинмаслиги лозим.

10. Атмосфера ҳавосини зарарли моддалар билан ифлослантириш хавфининг I ва II синфидаги манбаларга эга саноат корхоналарини шамолнинг тезлиги асосан 1 m/s дан ошмайдиган, узоқ вақт давом этадиган туманлар (йил давомида куннинг 30-40 фоизи, қиш мавсумида эса куннинг 50 — 60 фоизидан ортиғи) бўладиган ҳудудларда жойлаштиришга йўл қўйилмайди.

11. Тураржой зонаси ҳудудида, В синфга мансуб темирйўл шоҳобчалари ва юк автотранспортининг интенсив катновини талаб қилмайдиган ишлаб чиқариш объектларида СанҚваН 0350-17га мувофиқ санитария-муҳофаза зоналарини ташкил қилиш зарурияти билан жойлаштирилишига йўл қўйилади.

3-§. Саноат корхоналарининг санитария-муҳофаза зоналарини белгилаш

12. Технологик жараёнларда аҳолини яшаш муҳити ва инсонлар саломатлиги учун таъсир кўрсатадиган манбаларга эга бўлган ишлаб чиқариш объектлари учун СанҚваН 0350-17 га мувофиқ СМЗ белгиланиши лозим.

13. Саноат корхоналарининг СМЗ ўлчамлари СанҚваН 0350-17 ҳамда Ўзбекистон Республикаси корхоналари учун атмосфера ҳавосини ифлослантириш манбаларини инвентаризациядан ўтказиш ва унга чиқариб ташланадиган ифлослантирувчи моддаларни меъёрлаш бўйича йўриқномага (рўйхат рақами 1533, 2006 йил 3 январь) мувофиқ амалга оширилиши керак.

14. СМЗлар қуйидагилар учун мўлжалланиб лойиҳаланиши керак:

таъсир даражасини унинг чегаралари ташқарисида барча таъсир омиллари бўйича талаб этилган гигиеник нормативларгача камайтирилишини таъминлаш;

саноат корхонаси (корхоналар гуруҳи) ҳудуди ва тураржой ҳудуди ўртасида санитария-муҳофаза ва эстетик тўсикни ташкил қилиш;

атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи моддаларни экранлаш, ассимиляциялаш ва филтрлашни, шунингдек микроклимнинг қулайлигини оширишни таъминловчи қўшимча кўкаламзорларни ташкил қилиш.

15. Ишлаб чиқариш ҳажмининг вақтинчалик қисқариши максимал лойиҳавий ёки амалда эришилган қуввати учун қабул қилинган СМЗ ўлчамларини қайта кўриб чиқиш учун асос бўлмаслиги лозим.

16. СМЗнинг ўлчамлари қуйидаги ҳолатларда камайтириб лойиҳаланишига йўл қўйилади:

ҳаво муҳити ифлосланишининг ҳолати устидан тизимли (камида 1 йиллик) лаборатория кузатувларининг таҳлил натижаларига кўра яшаш муҳити ва аҳолига кўрсатиладиган техноген таъсирнинг барқарор даражага эришилганлиги асосланганда;

саноат корхонасининг қуввати камайтирилганда, қайта ихтисослаштирилганда ва шунга мос равишда хавфлилик синфи ўзгарганда.

17. СМЗда қуйидагиларни жойлаштиришга йўл қўйилмайди:

одамлар яшаши учун мўлжалланган объектлар;

боғдорчилик-узумчилик ширкатлари;

қўшимча ишлаб чиқариш қувватларини, озиқ-овқат саноати ва улар учун идиш-товоқ, ускуналар ишлаб чиқарадиган корхоналарни, тайёр маҳсулотлар омборхоналарини;

ичимлик сувини тайёрлаш ва сақлаш учун сув таъминоти комплексларини;

спорт иншоотлари, сайилгоҳлар, таълим муассасалари, даволаш-профилактика ва соғломлаштириш муассасаларини.

18. Саноат корхоналари учун белгиланган СМЗ ни кўкаламзорлаштириш СанҚваН 0350-17 ва ушбу ШНК талабларига мувофиқ бажарилиши лозим.

19. Ишлаб чиқариш объекти ва тураржой зонаси ўртасидаги СМЗнинг кенглиги 100 m дан кам бўлганда автомагистралдаги транспорт қатнайдиغان йўлнинг кенглиги СМЗнинг таркибий қисми сифатида ҳисобланмаслиги ҳамда СанҚваН 0350-17да белгиланган кўкаламзорлаштириш фоизини қисқартириш учун асос бўлмаслиги керак.

20. СМЗ ёки унинг бир қисми объектнинг захира худуди сифатида кўрилганда СМЗ чегараларига асосланган тузатишлар киритмасдан туриб саноат зонасини кенгайтиришда фойдаланиши мумкин.

4-§. Саноат корхоналарининг инсонлар саломатлигига ва атроф муҳитга таъсирини ҳисобга олиб жойлаштириш

21. Товуш баландлиги 50 dB ва ундан ортиқроқ бўлган шовқин манбаларига эга ишлаб чиқариш объекти СанҚваН 0008-20, СанҚваН 0331-16 ва ҚМҚ 2.01.08-19 талабларига мувофиқ жойлаштирилиши лозим.

22. Саноат корхоналарини соҳил бўйи минтақаларида жойлаштиришга фақат унинг худудида сув ҳавзасига туташ бўлиш зарурати мавжуд бўлганида йўл қўйилади.

23. Саноат корхоналарини дарёлар ва бошқа сув ҳавзаларининг соҳил бўйи худудларида жойлаштиришда уларнинг худудларини режавий баландлиги, ўзан торайиши ёки тўсиғи туфайли сув сатҳининг кўтарилиши ва ўзан нишаблигини, шунингдек гидротехника иншоотларига тушадиган юклама ва таъсирлар бўйича нормаларга мувофиқ аниқланадиган тўлқиннинг ҳисобланган кўтарилиш баландлигини ҳисобга олган ҳолда, сув горизонтининг энг юқори белгисидан камида 0,5 m баландроқ бўлиши лозим.

24. Халқ хўжалигида ҳамда мудофаа мақсадларида алоҳида аҳамиятга эга бўлган саноат корхоналари учун белгиланган сатҳдан эҳтимолий ортиб кетиши 100 йилда бир марта, қолган корхоналар учун эҳтимолий ортиб кетиши 50 йилда бир марта, фойдаланиш муддати 10 йилгача бўлган саноат корхоналари учун 10 йилда бир марта рўй берадиган сувнинг энг баланд сатҳи мўлжалланган (ҳисобий) горизонт (сув сатҳи) сифатида қабул қилинади.

Бунда, саноат корхоналарини сув сатҳининг ошиб кетиш частотаси каттароқ худудларда жойлаштиришда техник-иқтисодий асослар мавжуд бўлганда ва уларни сув босишидан ҳимоя қилувчи зарур иншоотлар қурилиши шарти билан йўл қўйилади.

25. Юк причал ва пирсларни (кемалар боғлаб қўйиладиган махсус жойлар) ёки бошқа порт иншоотлари ташкил этилишини талаб этувчи саноат корхоналари дарёнинг оқими бўйлаб аҳоли яшайдиган худуддан қуйироқда жойлаштирилиши керак.

26. Саноат корхонаси объектларини аэродром худудларига ёндош ер участкаларида жойлаштирилганда, чиқиндиларни сақлаш ёки кўмиш объектларини, шунингдек қушларни оммавий йиғилишига сабаб бўлувчи бошқа объектларни аэродром худудидан 15 km оралик масофада жойлаштириш лозим.

27. Портловчи моддалар ишлаб чиқариладиган саноат корхоналари, шунингдек портловчи моддалар сақланадиган омборлар бошқа корхоналардан, аҳоли яшайдиган ҳудудлардан, умумий тармоқ автомобиль ва темир йўлларида белгиланган хавфсиз масофадан узоқроқда жойлаштирилиши лозим.

28. Саноат корхоналаридан чиқадиган уюлмалар, шлам тўплагичлар, чиқинди ва ташланмаларни утилизация қилишнинг имкони йўқлиги асослаб берилганда, сақлаш жойларини ташкил қилишга йўл қўйилади.

Бунда, саноат корхоналари учун марказлашган уюлмалар лойиҳаланиши, марказлашган уюлмалар ер участкаларини, ерости сув манбаларининг санитария муҳофазасига оид I ва II зоналарда жойлашган корхоналар учун корхона ҳудудининг ташқарисида СанҚваН 0244-07 ва СанҚваН 0318-15 талабларига риоя қилган ҳолда жойлаштирилиши керак.

29. Кўмир ва бошқа кон ишланмалари ҳамда ишлаб чиқариш ва омборхона бинолари ўртасидаги масофа Ўзбекистон Республикаси кўмир шахталаридаги хавфсизлик қоидаларига (рўйхат рақами 114, 2009 йил 25 май) мувофиқ бўлиши керак.

4-боб. Ҳудудни режалаштиришда, бино ва иншоотларни жойлаштириш

30. Саноат корхоналарининг бош режаларида қуйидагилар назарда тутилиши лозим: лойиҳаланаётган ишлаб чиқариш зонасини, саноат тармоқлари бўйича ихтисослаштирилган кластерларга бўлиш;

ҳудуднинг технологик боғланишлар, санитария-гигиеник ва ёнғинга қарши талаблар, юк айланмаси ва транспорт турлари ҳамда функционал вазифаси ўзгача бўлган ҳудудлар туташини ҳисобга олган ҳолда функционал зоналаш;

туташ ҳудудларни эрозия, ботқокланиш, шўрланишдан, шунингдек атроф-муҳит корхоналарнинг оқова сувлари, чиқиндилари ва ташламалари билан ифлосланишдан ҳимоя қилиш;

саноат корхоналаридаги ишлаб чиқариш, транспорт ва муҳандислик тармоқлари ўртасидаги рационал боғланишлар, корхоналараро ҳамда аҳоли яшайдиган ҳудудларни боғловчи алоқаларни;

асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқариш хўжаликлари, аҳоли яшайдиган ҳудудга хизмат кўрсатувчи ўхшаш ишлаб чиқаришлар ва хўжаликларнинг умумлаштириш;

ҳудуддан тежамкорлик билан фойдаланиш;

ҳудудни ободонлаштириш;

ён атрофдаги корхоналар ва тураржой бинолари билан боғлаган ҳолда ягона архитектуравий ечим яратилиши;

вақтинча фойдаланиш учун ажратилган ер участкаларида, қурилиш жараёнида зарарланган ерларни тикланиши (рекультивация).

31. Саноат корхоналари участкаларидаги (майдонлари) қурилиш зичлиги ушбу ШНҚнинг иловасида белгиланган кўрсаткичдан кам бўлмаслиги керак.

Кўшни бинолар орасидаги ёнғинга қарши масофалар мазкур ШНҚ ва ШНҚ 2.07.01-03* талабларига мувофиқ бўлиши лозим.

32. Саноат корхонасининг ҳудудида атмосфера ҳавосини I ва II синфга мансуб зарарли моддалар билан ифлослантирувчи манбалар мавжуд бўлганда, маъмурий ва маиший биноларни бино ва иншоотлар ҳосил қиладиган циркуляция зонасидан (аэродинамик соя) ташқарида жойлаштирилиши керак.

Циркуляция зонасининг ўлчамлари Ўзбекистон Республикаси корхоналари учун атмосфера ҳавосини ифлослантириш манбаларини инвентаризациядан ўтказиш ва унга чиқариб ташланадиган ифлослантирувчи моддаларни меъёрлаш бўйича йўриқномага (рўйхат рақами 1533, 2006 йил 3 январь) мувофиқ белгиланиши зарур.

33. Саноат корхонаси ҳудудида жойлашган автотураргоҳлар фақат ихтисослаштирилган автотранспорт воситалари (авариявий техник ёрдам, ҳудудни тозалаш учун техник воситалар, ёнғин-қутқарув бўлинмалари) учун лойиҳаланилиши лозим.

34. Саноат корхонаси ҳудуди функционал вазифаларига кўра қуйидаги зоналарга ажратилиши керак:

заводолди (корхонани тўсиб турувчи деворлар ёки шартли чегараси ташқарисидаги зона);

ишлаб чиқариш;

ёрдамчи;

омборхона.

35. Саноат корхоналарининг завод олди зоналарини корхонада ишлаётган ходимларнинг асосий кириш-чиқиш йўллари ва дарвозалари томонида жойлаштириш керак.

36. Саноат корхонасининг завод олди зонасининг ўлчамлари, ходимлар сонига мувофиқ қуйидагича ҳисобланиши лозим:

ишлаётганлар сони 0,5 минггача бўлганда — 1 киши учун 0,8 м²дан;

ишлаётганлар сони 0,5 дан 1,0 минггача бўлганда — 1 киши учун 0,7 м²дан;

ишлаётганлар сони 1,0 дан 4,0 минггача бўлганда — 1 киши учун 0,6 м² дан;

ишлаётганлар сони 4,0 дан 10,0 минггача бўлганда — 1 киши учун 0,5 м² дан;

ишлаётганлар сони 10,0 мингдан кўп бўлганда — 1 киши учун 0,4 м²дан.

Агар саноат корхонаси уч сменада фаолият юритса фақат биринчи ва иккинчи сменада ишлайдиганлар сони ҳисобга олинаши зарур.

37. Заводолди зоналарнинг режалаштирилиши, умумшаҳар аҳамиятига эга бўлган автомагистралларнинг ўтиш жойлари билан боғлиқ равишда, чизиқли, ҳалқасимон ва аралаш схемали шаклга эга бўлиши мумкин.

38. Жамоат маркази ичидаги транспорт қатнайдиған ҳудудлар, максимал юкламалар бўйича ҳисобланиб режалаштирилади.

39. Саноат корхонасининг ишчи-ходимлари учун автотураргоҳлар бўлиши лозим.

40. Маиший хоналар жойлашган бинолар ўтиш (кириш-чиқиш) пунктларидан чиқадиган ишловчилар оқимиға имкон қадар яқинроқ қилиб жойлаштирилиши керак.

41. Саноат корхоналарининг ўтиш (кириш-чиқиш) пунктлари, бир-биридан 1,5 km дан узоқ бўлмаған масофада жойлаштирилиши лозим.

42. Ўтиш пунктларидан асосий цехларнинг санитария-маиший хоналари кириш эшикларигача масофа 300 m ва ундан кўпроқни ташкил қилиши, бироқ 800 m дан ошмаслиги керак.

43. Саноат корхонаси ҳудудида иш жойларидан санитария-маиший хоналаргача бўлган масофалар ШНҚ 2.09.04-09 талабларига мувофиқ бўлиши лозим.

44. Саноат корхонасининг ўтиш пунктлари, санитария-маиший хоналари, ошхона ва бошқарув биносига кириш эшиклари олдида ишчиларнинг сони энг кўп бўлган смена ҳисобга олинган ҳолда 1 киши учун 0,15 м² дан катта бўлмаған майдонча лойиҳаланиши лозим.

45. Бино ва иншоотларни жойлаштириш ишлаб чиқариш хусусиятлари ва табиий шароитлардан келиб чиққан ҳолда амалга оширилиши, бунда қуйидагиларга риоя қилиш керак:

бинолар ва ёруғлик туйнуги (фонарь) бўйлама ўқи меридианга нисбатан 45° дан, 110° гача бўлган чегарада режалаштирилишига;

аерация фонарлари ва хоналар аерацияси учун мўлжалланган девордаги тешикларни бино деворларининг бўйлама ўқлари, йилнинг ёз даврида шамолларнинг устувор йўналишига нисбатан перпендикуляр ёки 45° бурчак остида режалаштирилишига;

шамоллар таъсирида оммавий тарзда қум кўчадиган ҳудудларда энг узун ва баланд биноларни шамолга рўпара томонга кўчаётган қум оқимиға перпендикуляр жойлаштирилиши, шунингдек яшил дов-дарахтлар (кенглиги камида 20 m) ёки тўсиқлар лойиҳаланилишига.

46. Технологик жиҳатдан ёки реконструкция шартлари бўйича бошқа лойиҳавий ечимлар қабул қилишнинг имкони бўлмаганда, ярим қуршалган (ўралган) ҳовлиларни ташкил қилувчи биноларни қуришга йўл қўйилади.

Ярим қуршалган (ўралган) ҳовлиларни шамолнинг асосий (устувор) эсиш йўналишига нисбатан параллель ёки 45° оғиш бурчагидан ортиқ бўлмаган ҳолатда жойлаштирилиши, бунда ҳовлининг очиқ томони шамолнинг асосий (устувор) эсиш йўналишига нисбатан тескари тарафга қараган бўлиши керак.

Табиий ёритиладиган бинолардан иборат ярим қуршалган (ўралган) ҳовлининг кенглиги қарама-қарши бино карнизи ёки парапети юқори нуқтасигача бўлган баландликлар ярим йиғиндисидан, бироқ 15 m дан кам бўлмаслиги керак.

47. Ҳовлининг чуқурлиги (бинонинг ҳовлига чиққан қисми), ҳовли кенглигига (2 та бинонинг ҳовлига чиққан қисми ораси) нисбати 3 дан ортиқ бўлса, бинонинг ҳовлини ёпадиган қисмида ишлаб чиқаришнинг зарарли чиқиндилари йиғилиши мумкин бўлса, кенглиги камида 4 m ва баландлиги камида 4,5 m бўлган шамоллатиш туйнуғи (туннель) лойиҳаланиши, бунда туйнукнинг қуйи қисми ёндош ҳудуднинг режавий баландлиги билан бир хил сатҳга эга бўлиши керак.

Шамоллатиш тешигида дарвоза, тўсиқ ва тешикнинг функционал вазифаларига ҳалақит берувчи бошқа иншоотларнинг қурилишига йўл қўйилмайди.

48. Ёпиқ ва ярим қуршалган (ўралган) ҳовлиларда биноларга тегиб қуриладиган объектларни лойиҳалашга ҳамда алоҳида бино ва иншоотларни жойлаштиришга йўл қўйилмайди.

Технологик жиҳатдан асослар мавжуд бўлганда, ишлаб чиқариш қурилмаларини бино ва иншоотлар деворлари узунлигининг 25 фоизидан кам бўлган қисмига жойлаштириш мумкин.

49. Саноат корхоналарини кенгайтириш учун мўлжалланган участкалар, уларнинг асосий ҳудудлари чегарасидан ташқарида режалаштирилиши лозим.

50. Кенгайтирилиши ва реконструкция қилиниши режалаштирилаётган саноат корхонасининг бош режа лойиҳасида қуйидагилар бўлиши лозим:

санитария-муҳофаза зонасини ташкил қилиш;

саноат корхонаси ҳудудига туташ аҳоли яшаш пунктлари ва бошқа функционал зоналар режалаштириш;

саноат корхонаси ҳудудини функционал зоналаниши ҳамда унинг асосий ишлаб чиқариш жараёнини тўхтатмасдан туриб ободонлаштириш;

саноат корхонаси ҳудудида мавжуд тарқоқ ишлаб чиқариш ва ёрдамчи объектларни бирлаштириш.

51. Саноат корхонаси ҳудудидаги қарама-қарши жойлаштириладиган биноларнинг координата ўқлари бир-бирига мос бўлиши керак.

52. Динамик юкламалар мавжуд бўлган ва ишлаши жараёнида грунтлар тебранишини келтириб чиқарадиган ускуналар ўрнатилган бино ва иншоотлардан тебранишга нисбатан ўта таъсирчан бўлган бино ва иншоотларгача бўлган масофа ҳудудларнинг муҳандислик-геологик шароитлари ҳамда пойдеворлар асосларидаги грунтнинг физик-механик хоссаларини ҳисобга олган ҳолда ҚМҚ 2.02.05-98 ва ҚМҚ 2.01.07-96 талабларига мувофиқ белгиланиши керак.

5-боб. Саноат корхонаси ҳудудида ёнғин хавфсизлиги талаблари

53. Саноат корхонаси ҳудудидаги зарарли жараёнлар кечадиган ишлаб чиқариш объектлари, синов станциялари, портлаш ёки ёнғин содир бўлиш хавфи юқори бўлган объектлар, шунингдек ёнувчи ва ёнгил алангаланадиган материаллар, захарли ва портлаш хавфи юқори бўлган моддалар сақланадиган омборлар бино ва иншоотлари ШНК 2.01.02-04 ҳамда ШНК 2.01.19-22га мувофиқ жойлаштирилиши керак.

Очиқ олов манбаси бўлган ёки учқун сачратадиган қурилмаларни ёнгил алангаланувчи ва ёнувчан нефть маҳсулотлари, суюлтирилган газлар, ёнувчи материаллар сақланадиган очиқ омборхоналарга нисбатан шамолга рўпара томонда жойлаштиришга йўл қўйилмайди.

54. Ишлаб чиқариш жараёнида атмосфера ҳавосига турли чанглар, тутунлар, газлар чиқарадиган бино ва иншоотларни, очиқ қурилмаларни, портлаш ва ёнғин содир бўлиш

хавфи юқори бўлган объектларни ҳудуддаги бошқа бино ва иншоотларга нисбатан шамолнинг асосий (устувор) эсиш йўналиши томонида жойлаштиришга йўл қўйилмайди.

55. Бино ва иншоотлар ўртасидаги масофалар бинонинг оловбардошлик даражаси ва ишлаб чиқариш тоифасига боғлиқ равишда қуйидаги 1-жадвалда келтирилган кўрсаткичлардан кам бўлмаслиги керак.

1-жадвал

Оловбардошлик даражаси	Бино ва иншоотлар орасидаги масофа, камида (m)		
	Оловбардошлик даражаси		
	I, II	III	IV, V
I, II, III	Г ва Д тоифаларга мансуб ишлаб чиқаришга эга бино ва иншоотлар орасидаги масофа ихтиёрий танланади 9 — А, Б, В ва Е тоифасига мансуб ишлаб чиқаришга эга бино ва иншоотлар учун	9	12
III	9	12	15
IV, V	12	15	18

Изоҳлар:

1. Ташқи деворлар ёки конструкциялар орасидаги масофа бино ва иншоотлар ўртасидаги энг кичик масофа ҳисобланади.

2. Бино ёки иншоотларда 1 m дан ортиқ чиқиб турадиган ёнувчи материаллардан тайёрланган конструкциялар мавжуд бўлса, ушбу конструкциялар орасидаги масофа энг кичик масофа ҳисобланади.

3. Қуйидаги ҳолатларда ишлаб чиқариш бинолари ва иншоотлари орасидаги масофаларга чеклов қўйилмайди:

оловбардошлик даражаси III, IV, V даража бўлган, икки ва ундан кўп биноларни поллари майдонининг йигиндиси, ёнғин хавфи энг юқори бўлган ишлаб чиқариш бино ва иншоотларнинг энг паст оловбардошлик даражаси бўйича ҳисоблаганда, ёнғинга қарши деворлар ўртасидаги поллар майдонидан катта бўлган;

баландроқ ва кенгроқ бино ёки иншоотнинг бошқа бино томонга чиқадиган девори ёнғинга қарши девор бўлган;

оловбардошликнинг III даражасига эга бино ва иншоотлар улар ичига жойлаштириладиган ишлаб чиқаришнинг ёнғин хавфлилиги қандай бўлишидан қатъи назар, бир-бирига қарама-қарши ёпиқ ёки ораликлари оловбардошлик чегараси 0,75 h дан кам бўлмаган ойна блоklar ёхуд арматураланган ойна билан тўлдирилган деворларга эга бўлган.

бино ва иншоотлар ёнғин ўчиришнинг автоматик тизимлари билан жиҳозланса;

В тоифага мансуб ишлаб чиқаришларига эга биноларда қаватнинг 1 m² майдонига ёнувчи моддалар билан нисбий юкланиш миқдори 10 kg га тенг ёки ундан камроқ бўлса ушбу масофа 9 m дан 6 m гача камайтирилади.

56. Саноат корхонаси ҳудудидаги бино ва иншоотлардан очик омборларгача, шунингдек махсус омборхоналарнинг орасидаги масофалар ушбу ШНҚнинг 2-жадвалида келтирилган ўлчовлардан кам бўлмаслиги керак.

57. Ёнувчи газ сақланадиган газгольдерлардан, бино ва иншоотларгача бўлган масофалар мазкур ШНҚнинг 3-жадвалида келтирилган ўлчовлардан кам бўлмаслиги лозим.

58. Сув совиткичларидан бино ва иншоотларгача бўлган масофалар ушбу ШНҚнинг 4-жадвалида белгиланган ўлчовлардан кам бўлмаслиги керак.

59. Бино ва иншоотларга уларнинг бутун узунлиги бўйича ёнғин-қутқарув автомобиллари учун қуйидаги талабларга мувофиқ кириш йўллари бўлиши лозим:

бино ва иншоотнинг кенглиги 18 m гача бўлса — бинонинг бир томонидан;

бино ва иншоотнинг кенглиги 18 m дан катта бўлса, шунингдек ёпиқ ёки ярим қуршалган (ўралган) ҳовлилар ташкил қилинган бўлса — бинонинг икки томонидан.

Қурилиш майдони 10 ha дан ортиқ ёки кенглиги 100 m дан катта бўлган биноларга ёнғин-қутқарув автомобиллари учун кириш йўллари бинонинг тўрт томонидан лойиҳаланиши лозим.

Ёнғин-қутқарув автомобиллари ўтишини таъминловчи йўлнинг қатнов қисми ёки текисланган юза чеккаси, баландлиги 12 m гача бўлган бино деворларигача масофа 25 m дан,

бинолар баландлиги 12 m дан 28 m гача бўлса, 8 m дан, баландлиги 28 m дан юқори бўлган бинолар учун эса 10 m дан ошмаслиги керак.

60. Автомобиль йўлининг қатнов қисми чеккадан ишлаб чиқариш бино ва иншоотларининг энг чекка ўқигача бўлган масофани зарурат бўлса 60 m гача оширишга йўл қўйилади, бунда йўлларнинг боши берк қисмларида ёнғин-қутқарув автомобилларининг айланиб олиши учун ҳалқасимон ўтиш жойи ёки ўлчами 12 m x 12 m дан кам бўлмаган майдонча лойиҳаланилиши керак.

Мазкур майдончаларда ёнғин ўчириш гидрантлари ўрнатилиши ҳамда бино ва иншоотлардан ёнғин-қутқарув автомобиллари бурилиб, орқага айланиб оладиган йўлларнинг боши берк қисмигача масофа 5 m дан кам, 15 m дан кўп бўлмаслиги, шунингдек йўлларнинг боши берк қисмлари орасидаги масофа эса, 100 m дан кўп бўлмаслиги лозим.

61. Сув ҳавзаларига ёки табиий сув манбаларига бориш учун эни 3,75 m дан кам бўлмаган қаттиқ қопламали йўл ва 12 m x 12 m ўлчамли майдон лойиҳаланиши зарур.

Ёнғин гидрантлари автомобиль йўллари бўйлаб, қатнов қисмининг чекка қисмидан 2,5 m дан ошмаган, бино деворларигача 5 m дан яқин бўлмаган масофада жойлаштирилиши керак.

62. Саноат корхоналари ҳудудида ёнғинлар учун ташқи ва ички ёнғинга қарши сув таъминоти ҳисоблари ШНҚ 2.04.02-19га мувофиқ амалга оширилиши лозим.

63. Ёнғин-қутқарув деполарини умумий фойдаланишдаги йўлларга ёндош ер участкаларида ШНҚ 2.09.21-22га мувофиқ жойлаштирилиши керак.

64. Ёнғин-қутқарув деполари жойлашуви хизмат кўрсатиш радиусидан келиб чиққан ҳолда танланиши керак.

Ёнғин-қутқарув деполарининг хизмат кўрсатиш оралиқ масофаси қуйидагича бўлиши лозим:

А, Б ва В тоифага мансуб ишлаб чиқариши бўлган ва қурилиш-майдоннинг 50 фоизидан кўпроғини эгаллаган саноат корхоналари учун — 2 km;

А, Б ва В тоифага мансуб ишлаб чиқаришлари бўлган ва қурилиш майдоннинг 50 фоизидан камроғини эгаллаган саноат корхоналари ҳамда Г ва Д тоифага мансуб ишлаб чиқаришлари бўлган саноат корхоналари учун — 4 km.

65. Ёнғин-қутқарув депосининг хизмат кўрсатиш оралиқ масофаси энг узоқда жойлашган бино ёки иншоотгача умумий фойдаланишдаги йўллар орқали етиб бориш масофасига қараб белгиланиши керак.

Агар кўрсатилган оралиқ масофа катталиги ошиб кетса, саноат корхонаси ҳудудида қўшимча ёнғин-қутқарув депоси лойиҳаланиши керак.

Саноат корхонаси ҳудудидаги бино ва иншоотларнинг оловбардошлик даражаси III, IV, V-тоифа бўлса, ҳудуднинг 50 фоизидан кўпроқ майдонини бинолар эгалласа, ёнғин-қутқарув деполари (пост) хизмат кўрсатиши учун оралиқ масофалари 40 фоизга камайтирилиши лозим.

66. В, Г ва Д тоифага мансуб ишлаб чиқариши мавжуд бўлган саноат корхонаси ҳудудида ёнғин-қутқарув деполарини қўшиб қуришга йўл қўйилади.

Бунда, ёнғин-қутқарув автомобилларининг чиқиш йўллари, йўловчилар ва транспортларнинг асосий оқимларини кесиб ўтмаслиги лозим.

Саноат корхонаси ҳудудидаги бино ва иншоотларни, хоналарни автоматик ёнғин ўчириш қурилмалари ва ёнғин сигнализацияси билан жиҳозлаш ШНҚ 2.04.09-07га мувофиқ амалга оширилиши керак.

* Бир хил материалларни (енгил алангаланувчи ва ёнувчи суюқликларни) икки ёки ундан кўп омборхоналарда жойлаштиришга йўл қўйилмайди.

Изоҳлар:

1. Арраланган ёғоч-тахта материаллар омборхоналари, шунингдек ўз-ўзидан ёниб кетадиган кўмирлар сақланадиган омборхоналарда штабель баландлиги 2,5 m дан кўпроқ бўлса, оловбардошлик бўйича III, IV, V даража бўлган бинолар учун жадвалда кўрсатилган масофалар 25 фоизга оширилиши керак.

2. Ёғоч-тахта материаллар, енгил алангаланадиган суюқликлар ва ёнувчи суюқликлар омборхоналаридан, А ва Б тоифадаги ишлаб чиқаришлари бўлган биноларгача кўрсатилган масофа 25 фоизга оширилиши керак.

3. Енгил алангаланадиган суюқликлар ва ёнувчи суюқликларни бирга сақлашда омборхонанинг келтирилган ҳажми жадвалда кўрсатилган миқдордан кўп бўлмаслиги лозим, бунда келтирилган ҳажм 1 m³ енгил алангаланадиган суюқлик 5 m³ ёнувчи суюқликка тенглаштирилиб, ер устида сақланадиган 1 m³ эса ер остида сақланадиган 2 m³ ҳажмга тенглаштирилиб ҳисобланади. Енгил алангаланадиган суюқликлар ва ёнувчи суюқликларни ер остида сақлашда жадвалда кўрсатилган омборларнинг ҳажмлари 2 мартабага кўпайтирилиши, масофалар эса 50 фоизга камайтирилиши мумкин.

4. Қуйидаги ҳолатларда:

сиғими 100 t гача кўмир омборхонасигача;

енгил алангаланадиган суюқликлар ва ёнувчи суюқликлар сақланадиган 100 m³ сиғимли омборхоналаргача ва тошкўмир сақланадиган 1000 t сиғимли омборхоналаргача бўлган масофалар, агар ушбу омборхоналарга қараган, бинонинг девори ёнғинга қарши бўлса бинодан омборларгача бўлган масофалар ихтиёрий бўлади.

5. Жадвалда кўрсатилган масофалар ўлчами:

тошкўмир, ёғоч-тахта материаллари ва ўтин, майда тараша ва пайраҳа сақланадиган омборхоналардан — ушбу материалларни жойлаштириладиган майдончалар чегарасидан;

енгил алангаланадиган суюқликлар ва ёнувчи суюқликлар сақланадиган омборхоналардан — резервуарлар, қуйиш-тўкиш қурилмалари деворларидан ёки кўрсатилган суюқликлар сақланадиган идишлар жойлаштириладиган майдончалар чегарасидан белгиланади.

6. Омборхоналардан, ёнадиган тараларда сақланадиган ускуналар (тайёр маҳсулот) учун очик майдончалар (рампалар)гача бўлган масофалар, жадвалнинг бино ва иншоотлар, оловбардошлик даражаси III, IV, V бўйича қабул қилиниши керак.

7. Енгил алангаланадиган суюқликлар ва ёнувчи суюқликлар сақланадиган ёпик омборхоналардан, бино ва иншоотларгача масофа 1-жадвалга мувофиқ қабул қилиниши лозим.

3-жадвал

Бино ва иншоотлар	Газгольдерларгача масофа (m)	
	Поршенли	Доимий сиғимли ва сув билан
1. Жамоат бинолари	150	100
2. Тошкўмир омборхонаси, ҳажми t: 10 000 дан 100 000 гача 10 000 дан кам	18 12	15 9
3. Ёғоч-тахта материаллари ва ўтин омборхонаси, ҳажми m ³ : 1000 дан 10 000 гача 1000 дан кам	48 36	42 30
4. Ёнувчи материаллар (майда тараша, пайраҳа ва бошқалар) омборхонаси, ҳажми m ³ : 1000 дан 5000 гача 1000 дан кам	48 36	42 30
5. Осон алангаланадиган суюқликлар омборхонаси, ҳажми m ³ : 1000 дан 2000 гача 500 дан 1000 гача, 500 дан кам	42 36 30	36 30 24
6. Ёнувчи суюқликлар омборхонаси, ҳажми m ³ : 5000 дан 10 000 гача 2500 дан 5000 гача 2500 дан кам	42 36 30	36 30 24

7. Саноат корхоналарининг ишлаб чиқариш ва ёрдамчи бинолари: оловбардошликнинг I, II, III даражалари оловбардошликнинг III, IV, V даражалари	30 36	24 30
8. Газгольдерларга хизмат кўрсатувчи бино ва иншоотлар	36	30
9. Очиқ ҳаводаги саноат печлари ва очиқ оловли қурилмалар	21 100	15 100
10. Темирйўл шоҳобчалари чегара чизиглари: перегонларда (икки қўшни станциялар ўртасида) саралаш станцияларида	42 60	30 48
11. Автомобиль йўллари шоҳобчалари чегара чизиглари:, тоифалари: I — III IV, V	30 21	21 15
12. Темирйўл ёки трамвай йўлининг ўқи, автомобиль йўлининг шоҳобча чегара чизиги бўлмаган, қатнов қисмининг чеккаси	21	21

Изоҳлар:

Келтирилган масофалар газгольдер станциялари ва ҳажми 1000 м³ дан ортиқ алоҳида жойлашган газгольдерларга тааллуқли. Умумий ҳажми 1000 м³ ва ундан кам бўлган газгольдер шоҳобчалари ёки алоҳида жойлашган газгольдерлар учун кўрсатилган масофалар муайян ҳажмлар учун қуйидаги коэффициентлар билан қабул қилинади:

250 дан 1000 м³ гача — 0,7;

250 м³ дан кам бўлса — 0,5.

Ёқилги ва ёнувчи суюқликларни ер остида сақлашда 6 ва 7-позицияларда кўрсатилган масофалар 2 баробарга камайтирилиши керак.

Газгольдерлар ва тутун мўрконлари орасидаги масофалар қувур баландлигига тенг қилиб қабул қилинади.

Ҳаво электр тармоқлари ва газгольдерлар орасидаги масофа ушбу тармоқлар таянчларининг 1,5 баробар баландлигидан кам бўлмаслиги керак.

Кислород газгольдерларидан биноларгача масофаларни 2 баробарга камайтиришга йўл қўйилади. Бошқа ёнмайдиган газлар учун газгольдерлардан биноларгача масофалар ушбу ШНҚнинг 1-жадвалидаги оловбардошлик даражаси I, II, III бўлган бино ва иншоотларгача масофалардан кам бўлмаслиги керак.

Газгольдерлар ва бино иншоотлар ўртасидаги участкаларда, ёнмайдиган материаллар сақланадиган очиқ омборларни жойлаштиришга йўл қўйилади.

4-жадвал

Бино ва иншоотлар	Масофа (м)			
	Сув сачратиш ҳовузигача	Минорасимон совутиш минораси (градирня)гача	Ер устида ўрнатилган вентиляторли секциясимон совутиш минораси (градирня)гача	Бинолар қопламаларида ўрнатилган вентиляторли секциясимон совутиш минораси (градирня)гача
1. Сув сачратиш ҳовузлари	-	30	30	-
2. Минорасимон совутиш миноралар (градирня)	30	0,5 Д*, бироқ 18 дан кам эмас	18	-
3. Ер устида ўрнатилган вентиляторли секциясимон	30	15	9 — 24**	-

совутиш минораси (градирная)				
4. Бинолар қопламаларида ўрнатилган вентиляторли секциясимон совутиш минораси (градирная)	-	-	-	12
5. Деворлари совуқбардошлик бўйича маркалари Мрз 25 дан кам бўлмаган материаллардан қурилган бинолар	42	21	21	9
6. Очиқ электр подстанциялари ва электр узатиш тармоқлари	80	30	42	42
7. Очиқ омборлар	60	2-жадвал бўйича, бироқ кўрсатилган масофалардан кам эмас		
		21	24	15
8. Ер устидаги ва ер юзасидаги муҳандислик тармоқлари, тўсиқлари	9	9	9	9
9. Ташқи ва саралаш темир йўлларининг ўқи	80	42	60	21
10. Ички темирйўл шохобчаларининг ўқи	30	12***	12***	9***
11. Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари қатнов қисмининг чеккаси	60	21	39	9
12. Кириш ва завод ичидаги автомобиль йўллари қатнов қисмининг чеккаси	21	9	9	9

* Д — кириш деразалари сатҳидаги совутиш минораси (градирная) диаметри.

** секция майдони 20 м² бўлса 9 м; 100 м² дан 200 м² гача бўлса 21 м; 200 м² дан кўп бўлса 24 м

*** паровоз тортишидан фойдаланишда ва совутиш минора (градирная)ларда ёнувчан тўсиш конструкциялари қўлланганда масофа 21 м га тенг қилиб қабул қилинади.

Изоҳлар:

1 — 4-позицияларда кўрсатилган масофалар бир типдаги советкичлар қаторлари орасида қабул қилиниши керак, бунда сув сачратадиган ховузлар бир қаторга ўрнатилади. Қаторларда майдони турлича бўлган совутиш минора (градирная)лари жойлаштириладиган бўлса, қаторлар орасидаги масофа майдони катта совутиш минора (градирная)лар учун қабул қилинади.

Ер устида ўрнатилган вентиляторли секциясимон совутиш минора (градирная)лар қаторлари ўртасидаги масофа коммуникацияларни жойлаштириш шартларидан келиб чиққан ҳолда белгиланади, лекин ушбу масофа 15 м дан кам бўлмаслиги керак. Ер устида ўрнатилган вентиляторли секциясимон совутиш минора (градирная)лардан бино ва иншоотларгача бўлган масофа минорасимон Минорасимон совутиш минораси (градирная)ларгача бўлган масофа каби қабул қилинади.

Минорасимон совутиш минораси (градирня)лар учун қаторлар орасидаги масофалар уларнинг 3000 m² гача майдонлари бўйича берилган, майдон кўпроқ бўлганда масофалар тегишли асосланиш бўйича қабул қилиниши лозим.

Бир қаторда жойлашган совутиш минораси (градирня)лар орасидаги масофа:

Минорасимон совутиш минораси (градирня)лар учун — совутиш миноралар асосининг 0,4 диаметри, лекин 12 m дан кам эмас;

Ер устида ўрнатилган вентиляторли секциясимон совутиш минора (градирня)лар учун — 3 m;

бир вентиляторли градирнялар учун — ҳаво кирадиган деразалар баландлигининг 2 баробари, лекин 3 m дан кам эмас.

5.7-позицияда кўрсатилган масофаларни истисно қилганда, натрий, калий, кальций карбид ва сув билан ўзаро таъсир натижасида портлайдиган моддалар ҳосил қиладиган бошқа материаллар сақланадиган омборхоналар (бостирмалар)да:

майдони 20 m² гача бўлган совиткичлар учун масофалар 40 фоизгача;

майдони 20 m² дан 100 m² гача бўлса — 30 фоизгача камайтиришга йўл қўйилади, лекин барча ҳолатлар учун масофа 6 m дан кам бўлмаслиги керак.

Йилнинг энг совуқ беш кунлигидаги ҳавонинг ўртача ҳарорати 36 °C дан паст бўлган ҳудудлар учун 2 ,3, 8, 9- ва 10-позициялардан кўрсатилган масофалар 25 фоизга кўпайтирилиши лозим.

Бино деворлари совуқбардошлик бўйича Мрз 25 маркадан кам бўлмаган қўрилиш материалларидан қурилганда намланиш ва музлашдан ҳимоя қилиш бўйича чоралар кўзда тутилиши керак.

Реконструкция қилинаётган саноат корхоналарида сувни совитиш қурилмалари орасидаги, шунингдек, сувни совитиш қурилмалари ва бинолар ҳамда иншоотлар орасидаги масофаларни камайтиришга йўл қўйилади, лекин бу кўрсаткич 25 фоиздан кўп бўлмаслиги лозим.

Сувни совитиш қурилмалари ва автомобиль йўллари, совитиш қурилмаларига хизмат кўрсатишга мўлжалланган ерусти ва юзасидаги муҳандислик тармоқлари ўртасидаги масофаларга меъёрий чеклов белгиланмайди.

Совутиш минораси (градирня)лари ташқи ҳаво ҳарорати фақат мусбат бўлган даврда ишлайдиган бўлса, 5-8-позицияларда кўрсатилган масофаларни 25 фоизга камайтиришга йўл қўйилади.

Бино қопламаларида жойлаштириладиган вентиляторли секциясимон совутиш минораси (градирня)дан ушбу бинонинг деворларигача бўлган масофага меъёрий чеклов белгиланмайди.

Ер устида ўрнатилган вентиляторли секциясимон совутиш минораси (градирня)дан ушбу бино деворларининг юқори қисмларигача бўлган масофа 5-позиция бўйича, 5-изоҳ ёки 8- ва 10-изоҳларни ҳисобга олган ҳолда қабул қилинади.

Ишлаб чиқариш қуввати 100 m³/h гача бўлган совутиш минораси (градирня)дан минимал масофа:

бино ва иншоотлар деворларини қуришда совуқбардошлик бўйича Мрз 25 маркадан кам бўлмаган қурилиш материалларидан фойдаланилганда — 15 m;

очик трансформатор подстанциялари учун — 30 m;

ички темирйўл шохобчалари ўқигача — 15 m;

саноат корхонага кириш ва унинг ичидаги автомобиль йўллари қатнов қисмининг чеккасигача — 6 m.

Сув сачратувчи ҳовузларнинг атрофида, кенглиги 2,5 m дан кам бўлмаган, сув чиқиб кетишини таъминлайдиган нишабликка эга, сув ўтказмайдиган қоплама кўзда тутилиши лозим.

Сув тиндиргич ҳовузлардан бино ва иншоотларгача бўлган масофа ер устида ўрнатилган вентиляторли секциясимон совутиш миноралар (градирня) учун масофалар каби қабул қилиниши керак.

6-боб. Йўллар, кириш ва ўтиш йўллари

67. Саноат корхоналарининг темир йўллари, гидравлик, конвеер транспорт ҳамда осма канат йўллари технологик талабларга мувофиқ лойиҳаланилиши лозим.

68. Саноат корхоналари ҳудудида автомобиллар учун йўллар, пиёдалар учун йўлаклар ва велосипед йўлаклари ШНҚ 2.05.02-07 га мувофиқ лойиҳаланилиши керак.

69. Саноат корхоналарининг транспорт режаларида транспорт иншоотларини хар хил турдаги транспорт воситалари учун мослашган ҳолда лойиҳаланилиши ҳамда келгусида транспорт тизимини ривожлантириш имконияти назарда тутилиши зарур.

70. Саноат корхоналарини, ишчи-ходимлар яшайдиган ҳудудлар билан боғловчи узунлиги 2 km дан ошмайдиган автомобиль йўллари бўйлаб велосипед ва пиёдалар йўлаклари лойиҳаланилиши керак.

Ҳудудда велосипедлар (мопед) ҳаракатланиши 24 h давомида 250 вел/мопед ва автомобиллар ҳаракатланишининг интенсивлиги 24 h давомида 2000 автомобилдан кўп бўлса велосипед йўлакларини лойиҳалашга йўл қўйилади.

71. Саноат корхонасининг ҳудуди 5 ha дан ҳамда узунлиги 1000 m дан катта бўлса, камида иккита кириш йўллари лойиҳаланиши, бунда кириш йўллари ўртасидаги масофа 1500 m дан ошмаслиги лозим.

Саноат корхонасининг ҳудуди ичидаги майдони 5 га дан ортиқ бўлган тўсилган участкалар (очиқ трансформатор подстанциялари, омборлар) камида иккита кириш йўли лойиҳаланилиши керак.

72. Саноат корхонасининг ҳудудига кириш дарвозаларининг кенглиги лойиҳада белгиланган автомобилларнинг энг катта кенглигига 1,5 m қўшиб, бироқ 4,5 m дан кам бўлмаган ўлчамда бўлиши лозим.

Темирйўл транспорти кирадиган дарвозалар учун дарвоза кенглиги 4,9 m дан кам бўлмаслиги керак.

73. Автомобиль йўлининг бордюр тошларидан йўлнинг чекка қиррасидан бино ва иншоотларгача бўлган масофа қуйидаги 5-жадвалда келтирилган ўлчамлардан кам бўлмаслиги лозим.

5-жадвал

Бино ва иншоотлар	Масофа (m)
1. Бинолар девораларининг ташқи қирралари, шунингдек тамбур ва бирлаштириб қурилган қурилмалар: бинога кириш йўли бўлмаса ва бино узунлиги 20 m гача бўлса; бино узунлиги 20 m дан кўп бўлса; бинога икки ўқли автомобиллар ва автоюклагичлар кириши учун кириш жойи бўлса; бинога уч ўқли автомобиллар кириши учун кириш жойи бўлса; бинога фақат электр каралар учун кириш жойи бўлса.	1,5 3 8 12 5
2. Параллель жойлашган темир йўл изларининг ўқлари: 1520 (1524) mm; 750 mm.	3,75 3
3. Корхона ҳудудини тўсиш учун тўсиқлар.	1,5
4. Корхонадаги, қўриқланадиган ҳудудни тўсиш учун тўсиқлар.	5
5. Эстакада ва йўл ўтказгичлар таянчлари, тутун мўрилари, устунлар, мачталар, биноларнинг чиқиб турган қисмларининг (пилястр, контрфорс, ташқи зиналар) ташқи қирралари.	0,5
6. Суяқ металл, шлак, металл қуймаси ва металл қуйиш учун қолип аравача, шихтали материаллар учун мульда ва қутилар солинган аравачалар ҳаракатланадиган темирйўл ўқи	5

Изоҳлар:

1. Ўлчами узун юкларни (тўсин, балкалар) ташишга мўлжалланган, шатакка олиш учун транспорт воситалари, йўлнинг чорраҳаларида ва қатнов қисмининг бурилишларидаги масофалар, юк ўлчамларига боғлиқ равишда катталаштирилиши керак.

2. Автомобиль йўлининг бордюр тошларидан, йўлнинг чекка қиррасидан дарахтлар ёки бутазорларгача бўлган масофа, дарахтлар, буталарнинг навларига қараб, дарахтларнинг шох-шаббаси ва буталар, йўлнинг қатнов қисмига, йўл четига осилиб тушмаслигини ҳисобга олган ҳолда (7-жадвалда кўрсатилган ўлчамлардан кам бўлмаслик шarti билан) белгиланади.

3. Икки чизикли йўлларда, чизиклар кенглиги 3,75 m бўлиб, бордюр тошлари ёки қатнов қисмининг четини билдирувчи чизиклар бўлмаганда, мазкур жадвалнинг 5-позициясида назарда тутилган ҳолатлар учун масофа йўл ўқидан 4,25 m дан кам бўлмаслиги, автомобиль кенглиги 2,5 m дан катта бўлса, кўрсатилган масофа мос равишда оширилиши керак.

4. Тиркама уланадиган автомобиллар цехга киришда, цех деворидан автомобиль йўлигача бўлган масофа ҳисоблаш ёрдамида аниқланади.

74. Туннель, кўприк, йўл ўтказгич, эстакада, галереяларнинг қурилиш конструкциялари йўлнинг бордюр тоши ёки ирригация (кювет) лотоклари ташқи қирғоғидан камида 0,5 m узоқликдаги масофада жойлаштирилиши, бунда уларнинг қурилиш конструкциялари пастки қисмининг баландлиги автомобиль йўлининг қатнов қисмидан ўтувчи юкланган автомобиль баландлигидан 1 m баланд қилиб лойиҳаланиши, бироқ уларнинг баландлиги 5 m дан кам бўлмаслиги керак.

Транспорт воситаларининг турлари, юк ўлчамларини асослаш вақтида ушбу баландлик ўлчамлари 4,5 m бўлиши мумкин.

75. Ишлаб чиқариш биноларига темирйўл изларини киритиш боши берк тарзда ташкил қилинади, рельс устининг баландлиги пол баландлиги билан бир сатҳда бўлиши лозим.

76. Завод ичидаги темирйўллар (суяқ чўян, шлак ва иссиқ ёмбилар ташиладиган йўллардан ташқари) ўқидан ҳудуддаги бино ва иншоотларгача бўлган масофа куйидаги б-жадвалда кўрсатилган ўлчамлардан кам бўлмаслиги керак.

б-жадвал

Биолар ва иншоотлар	Масофа (m)	
	Темирйўл изининг кенглиги, mm	
	1520 (1524)	750
1. Биоларнинг чиқиб турган қисмлари (пилястр, контрфорс, ташқи зиналар)нинг ташқи қирралари а) биодан чиқиш йўллари бўлмаганда б) биодан чиқиш йўллари бўлганда в) биодан чиқиш йўллари бўлганда ва биолардан чиқиш йўллари ҳамда темирйўл излари ўртасида биолар деворларига параллель жойлаштирилган тўсиклар (узунлиги 10 m дан кам бўлмаган) мавжуд бўлса	3,1 6 4,1	2,3 5 3,5
2. Алоҳида жойлашган ва ишлаб чиқариш биолари дарвозалари ораликларидаги устунлар, шунингдек, биоларнинг чиқиб турган қисмлари (пилястр, контрфорс, ташқи зиналар), уларнинг йўл бўйлаб узунлиги 1000 mm дан кўп бўлмаса, станция йўлларида (бош ва қабул қилиш-жўнатиш йўлларини истисно қилганда) ишчи бўлмаган ҳолатда жойлаштирилган куйиш-тўкиш ва юклаш-тушириш қурилмалари, ҳаракатланувчи таркибга техник хизмат кўрсатиш, жиҳозлаш ва таъмирлаш қурилмалари, ҳамда технологик қурилмалар.	Қурилмаларнинг темирйўл изларига яқинлашиш габарити бўйича:	
	ГОСТ 9238-2013	ГОСТ 9720-76
3. Думалоқ ёғоч омборхонаси, ҳажми 10 000 m ³ гача	5	4,5
4. Ёғоч-тахталар, тараша ва пайраҳалар омборхонаси, ҳажми 5000 m ³ гача	10	9,5
5. Енгил алангаланувчи суяқликлар омборхонаси, ҳажми 2000 m ³ гача	20	19,5
6. Ёнувчи суяқликлар омборхонаси, ҳажми 10 000 m ³ гача	10	9,5
7. Тошқўмир омборхонаси, ҳажми 100 000 t гача	5	4,5

Изоҳлар:

1. 3 ва 7-позицияларда кўрсатилган масофалар, ушбу ШНҚнинг 5-жадвалнинг изоҳ қисмини ҳисобга олиб белгиланиши лозим.

2. Қўриқланиши талаб қилинадиган корхона ва ҳудудлар ташқи тўсиклари, темирйўл излари ўқларидан камида 5 m масофада жойлаштирилиши керак.

3. Ҳажми 10 000 m³ гача бўлган думалоқ ёғочлар омборхонасига, темирйўл изларининг яқинлашишини ёғоч-тахта омборхоналарини лойиҳалаш меъёрларига мувофиқ қабул қилиниши зарур.

4. Автотранспорт воситалари чиқиши кўзда тутилган бино деворлари ва автомобиль йўли орасида темирйўл изларини жойлаштиришга фақат технологик талаблар бўйича йўл қўйилади. Бунда, бино деворидан темирйўл излари ўқигача бўлган масофани аниқлашда, шартли автомобиль узунлигига 5 m қўшиб ҳисобланади, оралик масофа йиғиндидан кам бўлмаслиги лозим.

77. Жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг меҳнатидан фойдаланиш мумкин бўлган саноат корхоналарини лойиҳалашда ШНҚ 2.07.02-22 талабларини ҳисобга олиш лозим.

7-боб. Рельефни режавий ташкил этиш. Тик (вертикал) режалаштириш

78. Саноат корхонасининг худуди юзасининг нишабликлари қуйидаги кўрсаткичлардан кўп бўлмаслиги керак:

сертупрок, серлой грунтлар учун — 0,003 фоиздан кам ва 0,05 фоиздан кўп;

кумлоқ грунтлар учун — 0,03 фоиздан;

енгил ювиладиган грунтлар (сарик тупрок, майда кумли грунтлар) учун — 0,01 фоиздан.

II турга (тип) мансуб чўқувчан грунтлар шароитида, худуднинг текисланаётган юзасининг минимал нишаблиги 0,005 фоизга тенг қилиб қабул қилиниши керак.

79. Саноат корхоналари қияликлар ёнбағирларида ёки уларнинг этагида жойлаштирилганда, унинг худудини қияликнинг юқори қисмидан келувчи сувлар босишидан химоя қилиш мақсадида ушбу сувларни олиб чиқувчи ариқлар лойиҳаланилиши, бунда ариқлар участка чегараларидан 5 m масофада жойлаштирилиши зарур.

Ариқларнинг кўндаланг кесими ва уларнинг сони ШНҚ 2.04.02-19 га мувофиқ бўлиши лозим.

80. Саноат корхонасининг худудларида ёпиқ ёмғир канализация тармоғи ва айланма сув тизимлари ҳамда тозалаш иншоотлари лойиҳаланилиши керак.

81. Саноат корхонасининг худудида сув чиқаришнинг очик тармоқлари қўлланилганда, кўндаланг кесимда ўлчамлари кенглиги 0,3 m, чуқурлиги 0,4 m бўлган темир бетон лотокларнинг (кювет, канава) трапеция шаклига эга бўлган ариқлардан фойдаланиш керак.

82. Биноларнинг биринчи қаватидаги пол сатҳи, бино жойлашган ер участкасига ёндош сатҳдан камида 15 cm га баландроқ бўлиши лозим.

83. Ертўла ва ярим ертўла (цоколь) қаватидаги бинолар пол юзасининг режавий сатҳи, еростидан сизиб чиқувчи сувлари (сизот сув) сатҳидан камида 0,5 m га баландроқ бўлиши, бунда хоналарнинг пол юзасини еростидан сизиб чиқувчи сув (сизот сув)лари сатҳидан пастроқ қилиб лойиҳалаш зарурати бўлганда, хоналар гидроизоляцияси ёки еростидан сизиб чиқувчи сувлари (сизот сув) сатҳини пасайтириш чора-тадбирлари назарда тутилиши керак.

Лойиҳалаш жараёнида саноат корхонасидан фойдаланиш даврида еростидан сизиб чиқувчи сувлари (сизот сув) сатҳи кўтарилиши мумкинлигини ҳисобга олиш лозим.

Бинонинг атрофида тротуар ётқизилмаган бўлса, бинолар бўйлаб сувни чиқаришда ариқларни (лоток), қия нишабли йўлка (отмостка) атрофи бўйлаб жойлаштириш лозим.

8-боб. Ободонлаштириш

84. Саноат корхоналари йилнинг энг совуқ 3 оyi давомида шамолларнинг ўртача тезлиги 10 m/s дан ортиқ бўладиган худудларда жойлаштирилганда, шамолнинг асосий (устувор) эсиш йўналиши томонидан дов-дарахтлар зонаси билан химояланиши лозим. Мазкур зоналарнинг кенглиги 40 m дан кам бўлмаслиги зарур.

85. Саноат корхонаси худудидаги кўкаламзорлаштириш учун мўлжалланган худудларнинг умумий майдони уларнинг ходимлари энг кўп ишлайдиган сменасидаги хар бир ишчи учун камида 3 m² ҳисобида белгиланиши лозим.

Саноат корхонасининг худуди 1 ha бўлса, ишчилар сони 300 нафар ва ундан ортиқ бўлганда, кўкаламзорлаштириш учун участкалар майдони камайтирилиши мумкин. Бунда, кўкаламзорлаштириш учун участка майдонининг ўлчамлари корхона худудининг 25 фоиздан кам бўлмаслиги керак.

86. Бинолар томларини кўкаламзорлаштиришга йўл қўйилади.

87. Бино ва иншоотлардан дарахт ва буталаргача бўлган масофа қуйидаги 7-жадвалда келтирилган ўлчамлардан кам бўлмаслиги лозим.

7-жадвал

Бино ва иншоотларнинг қисмлари	Масофа (m)	
	Дарахт танаси ўқиғача	Бута ўқиғача
Деворлар ва биноларнинг ташқи қирралари	5	1,5
Темирйўл изи ўқи	5	3,5
Ёритиш тармоғи, колонна, галерея ва эстакадаларнинг мачта ва таянчлари	4	-
Тротуарлар ва боғ йўлкаларининг чеккаси	0,7	0,5
Йўл чеккасидаги тўсиқ (бордю) тоши ёки қатнов йўлини четги қисмини билдирувчи чизиклар	2	1,2
Ерости тармоқлари:		
газ қувурлари, оқова сув тармоқлари	1,5	-
иссиқлик тармоқлари (канал деворларидан ҳисоблаганда)	2	1
каналсиз ётқизилган иссиқлик тармоқларининг қувурлари,	2	-
сув таъминоти қувурлари,	2	-
куч кабеллари ва алоқа кабеллари дренажлари	2	0,7

Изоҳ. Мазкур ўлчамлар диаметри 5 m дан катта бўлган дарахтлар учун белгиланган. Бунда, шох-шаббалари диаметри каттароқ бўлган дарахтлар учун масофа мос равишда кўпайтирилиши лозим.

88. Дарахт ва буталар қаторлаб экилганда улар орасидаги масофа қуйидаги 8-жадвалда кўрсатилгандан кам бўлмаслиги керак.

8-жадвал

Дов-дарахтлар тавсифи	Дарахт ва буталарнинг ўқлари орасидаги минимал масофалар (m)
Офтобсевар навли дарахтлар	3
Соябардош навли дарахтлар	2,5
Баландлиги 1 m гача бўлган буталар	0,4
Баландлиги 2 m гача бўлган буталар	0,6
Баландлиги 2 m дан катта бўлган буталар	1

89. Саноат корхонасининг худудида жойлашган бино ва иншоотлар орасидаги бўш майдончалар, ёнғин содир бўлган вақтда барглари иссиқлик тарқалишини олдини оладиган дарахтлар (игнабаргли дарахтлар бундан мустасно) билан кўкаламзорлаштирилиши керак.

90. Атроф-муҳитга таъсири бўйича I тоифага ва II тоифага кирувчи янги объектларни лойиҳалаштиришда юқори самарадорликка эга чанг-газ тозалаш ускуналари ёки локал сув тозалаш иншоотлари ўрнатилиши лозим.

91. Саноат корхонасининг худудидаги тротуарлар, темирйўл изларидан камида 3,75 m оралик масофа билан жойлаштирилиши лозим. Тротуарларни тўсувчи тутқичлар ўрнатилганда масофа (қурилмаларга яқинлашиш габаритларидан кам бўлмаган масофага) камайтирилиши мумкин.

Иссиқ юқлар ташиладиган темирйўл изларидан тротуаргача масофа 5 m дан кам бўлмаслиги керак.

92. Тротуар кенглиги ҳаракатланиш чизигининг эни 0,75 m қилиб лойиҳаланиши керак.

93. Тротуардаги ҳаракатланиш чизикларининг сони бинодаги ёки бинолар гуруҳидаги ходимлар энг кўп ишлайдиган сменадаги ишчиларнинг сонига мувофиқ белгиланиши, бунда бир смена давомида бир тасмада 750 киши ҳаракатланишини ҳисобга олган ҳолда лойиҳалаш лозим.

Тротуарнинг минимал кенглиги 1,5 m дан кам бўлмаслиги керак. Пиёдаларнинг икки йўналишдаги ҳаракатланиш интенсивлиги 100 киши/h дан кам бўлганда тротуарнинг кенглиги 1 m гача қисқартирилишига йўл қўйилади.

94. Тротуарларда ногиронлиги бўлган шахслар ногиронлик аравачасида ҳаракатланса тротуар кенглиги 1,8 m дан кам бўлмаслиги, бунда ногиронлик аравачасида ҳаракатланиш учун мўлжалланган тротуарларда нишабликни бўйламасига 5 фоиздан, кўндалангига 1 фоиздан оширмаслик лозим.

95. Тротуарларни автомобиль йўли яқинида ёки автомобиль йўли билан умумий ер полотносида жойлаштириганда уларнинг эни камида 0,8 m бўлган бўлувчи чизиқ билан ажратилиши лозим.

Саноат корхонасининг реконструкцияси қилиш даврида тротуарларни автомобиль йўлининг қатнов қисмига туташ (тақаб) жойлаштиришга йўл қўйилади.

Тротуарлар, автомобиль йўлининг қатнов қисмига туташ қилиб лойиҳаланганда, йўл чеккасидаги тўсиқ (бордюр) тошининг юқори сатҳи билан бир хил баландликда бўлиши, бироқ қатнов қисмидан камида 15 см дан баландда бўлиши керак.

96. Саноат корхоналари тор ҳудудларда жойлашган бўлса, уларни реконструкция қилиш вақтида, тротуарлардан ажратиб турувчи кўкаламзорлар ҳисобига ёки ажратиб турувчи кўкаламзорлар бўлмаган ҳолатларда эса тротуарларни кўчириб туриб, автомобиль йўллари кенгайтиришга йўл қўйилади.

97. Саноат корхоналари ҳудудларидаги ишчи ходимларнинг оммавий қатнов йўлларида, пиёдалар ҳаракатининг темирйўл излари билан кесишишига йўл қўйилмайди. Бунда, кесишишларни ташкил қилиш зарурати асосланган ҳолатларда, ўтиш жойлари светофорлар ва товушли сигнализация билан жиҳозланиши, йўлнинг кўриниш даражаси ШНҚ 2.05.02-07га мувофиқ лойиҳаланиши керак.

98. Автомобиль йўллари кенгайтириш пиёдалар йўлаклари билан кесишиши ШНҚ 2.05.02-07га мувофиқ лойиҳаланиши керак.

99. Корхоналар, бинолар ва иншоотлар ҳудудларини тўсиш, лойиҳалаш топшириғига, объектларни кўриклаш шартларига, ҚМҚ 2.07.03-97га мувофиқ бўлиши керак.

9-боб. Муҳандислик тармоқларини жойлаштириш

1-§. Асосий талаблар

100. Тармоқларни жойлаштириш (ерусти, ер юзаси ёки еростида) усулининг танланиши техник-иқтисодий ҳисобларга мувофиқ амалга оширилиши лозим.

101. Саноат корхоналарининг жамоат марказларида заводолди зоналарида муҳандислик тармоқлари ер остида жойлаштирилиши лозим.

102. Саноат корхоналарининг ҳудудларида муҳандислик тармоқлари ШНҚ 2.04.02-19, ҚМҚ 2.04.03-19, ШНҚ 2.04.07-22 ҳамда ШНҚ 2.04.08-22га мувофиқ лойиҳаланиши керак.

103. Енгил алангаланувчи ва ёнувчи суюқликлар ҳамда газлар ташқи тармоқларини бино ва иншоотлар тагида жойлаштирилмаслиги зарур.

2-§. Ерости тармоқлари

104. Ерости муҳандислик тармоқларини автомобиль йўллари катнов қисмини остида жойлаштирмаслик керак.

Реконструкция қилинаётган корхоналар ҳудудида ерости муҳандислик тармоқларини автомобиль йўллари катнов қисмини остида жойлаштиришига йўл қўйилади.

Вентиляция шахталари, каналлар ва туннелларнинг кириш жойлари иморатлардан холи жойларда ва автомобиль йўллари катнов қисмидан ташқарида жойлаштирилиши керак.

Ерости муҳандислик тармоқлари, каналсиз ётқизилганда йўлнинг чекка қисмида жойлаштирилишига йўл қўйилади.

105. Муҳандислик тармоқлари каналлари ва туннелларида босими 0,6 МПа (6 kgf/cm²) гача бўлган ёнувчи газларнинг (табiiй ва нефть билан бирга чиқадиган ҳамроҳ газлар, сунъий аралаштирилган ва суюлтирилган углеродли газлар) қувурўтказгичларини монтаж ва таъмирлаш шароитларини инобатга олган ҳолда оралиқ масофа талабларидан келиб чиқиб, бошқа қувурларўтказгичлари (иссиқлик тармоғи қузури, кислород қузури, энгил алангаланувчи ва ёнувчи суюқликлар қузури, сув таъминотининг босимли тармоғи қузури, босимли канализация қувурлари)ни ва алоқа кабеллари қувурларўтказгичларини биргаликда жойлаштиришга йўл қўйилади. Бунда, каналлар ва туннеллар, вентиляция ҳамда ёритиш тизимлари билан жиҳозланиши лозим.

106. Муҳандислик тармоқлари канал ва туннелларида қуйидагиларни биргаликда жойлаштиришга йўл қўйилмайди:

босими 0,6 МПа (6 kgf/cm²) дан юқори бўлган ёнувчи газлар қувурўтказгичи билан кучланиш ҳамда ёритиш кабелларини (канал ва туннелни ёритиш учун кабеллар бундан мустасно) биргаликда;

иссиқлик тармоғи қувурўтказгичи билан суюлтирилган газ қувурўтказгичи, кислород қувурўтказгичи, азот қувурўтказгичи, совуқ ҳаво қувурўтказгичлари, энгил алангаланувчи, кимёвий ўювчи ва заҳарли учувчан моддалар қувурўтказгичлари ҳамда маиший канализация тармоқлари қувурўтказгичларини биргаликда;

энгил алангаланувчи ва ёнувчи суюқликлар қувурўтказгичлари билан кучланиш ва алоқа кабеллари, ёнғинга қарши сув таъминоти қувурўтказгичларини биргаликда;

кислород қувурўтказгичи билан босими 0,6 МПа (6 kgf/cm²) дан юқори бўлган ёнувчи газлар қувурўтказгичларини биргаликда;

энгил алангаланувчи ва ёнувчи суюқликлар қувурўтказгичи билан заҳарли суюқликлар қувурўтказгичлари ҳамда кучланиш кабеллари қувурўтказгичларини биргаликда.

107. Муҳандислик тармоқларининг умумий канал ва туннелларида, энгил алангаланувчи ва ёнувчи суюқликлар қувурўтказгичи, сув таъминотининг босимли тармоқлари қувурўтказгичи (ёнғинга қарши қувурлардан ташқари) ва босимли канализация қувурўтказгичлари билан биргаликда жойлаштирилишига йўл қўйилади.

Ёнғин ва портлаш хавфи юқори бўлган, ўзидан заҳарли моддалар чиқарадиган суюқликлар қувурўтказгичлари жойлаштиришда, канал ва туннелларда ҳар 60 м да ва икки томонда чиқиш жойларини кўзда тутилади.

108. Ерости муҳандислик тармоқларини умумий траншеяларда бир бирига параллель ҳолатда монтаж ва таъмир шароитларини инобатга олиб оралиқ масофага риоя қилиб жойлаштириш лозим. Бунда, муҳандислик тармоқлари ўртасидаги масофалар, шунингдек улардан бино ва иншоотларнинг пойдеворигача, ҳамда камералар, қудуқлар ва бошқа қурилмаларгача бўлган масофалар мазкур ШНҚнинг 9-жадвалида келтирилган ўлчамлардан кам бўлмаслиги лозим.

Ерости муҳандислик тармоқлари параллель жойлаштирилганда, тармоқлар орасидаги горизонтал масофалар ушбу ШНҚнинг 10-жадвалида келтирилган ўлчамлардан кам бўлмаслиги керак.

Муҳандислик тармоқлари	Ерости тармоқларидан қуйидаги элементларгача горизонтал бўйича масофа, m								
	Бино ва иншоотларнинг пойдеворлари	Тўсиқлар, таянчлар, галереялар пойдеворлари, контактли ва алоқа тармоқлари қувурлари	Темирйўл изларидан, лекин кўтарма этаги ва ўйикқача траншея чуқурлигидан кам эмас	Трамвай йўли изларидан	Автомобиль йўллари		Хаво электр узатиш линиялари таянчларининг пойдеворлари		
					Йўлнинг катнов қисми четини билдирувчи чизиклар, бордюор тоши	Кюветнинг ёки кўтарма этагининг ташқи чеккаси	1 kW гача ва ташқи ёритиш тизими	1 kWдан 35 kW гача	35 kW дан юқори
1. Сув таъминоти ва босимли оқова сув (канализация) тармоғи	5	3	4	2,75	2	1	1	2	3
2. Оқова сув (канализация) тармоғи ва тарновлар	3	1,5	4	2,75	1,5	1	1	2	3
3. Дренажлар	3	1	4	2,75	1,5	1	1	2	3
4. Ёнувчи газлар қувурўтказгичлари									
а) паст босимли 0,005 МПа (0,05 kgf/cm ²) гача	2	1	3,75	2,75	1,5	1	1	5	10
б) ўрта босимли 0,05 дан 0,3 МПа (3 kgf/cm ²) гача	4	1	4,75	2,75	1,5	1	1	5	10
в) юқори босимли 0,3 дан 0,6 МПа (6 kgf/cm ²) гача	7	1	7,75	3,75	2,5	1	1	5	10
г) юқори босимли 0,6 дан 1,2 МПа (12 kgf/cm ²) гача	10	1	10,75	3,75	2,5	1	1	5	10
5. Иссиқлик тармоқлари (канал, туннель ёки каналсиз ётқизилган линия қобиғининг ташқи деворигача)	2 (4-изохга қаранг)	1,5	4	2,75	1,5	1	1	2	3
6. Барча кучланишли кабеллар ва алоқа кабеллари	0,6	0,5	3,25	2,75	1,5	1	0,5*	5*	10*
7. Каналлар, туннеллар	2	1,5	4	2,75	1,5	1	1	2	3

* Фақат кучланиш кабелларидан масофаларга тааллуқли эмас.

Изоҳлар:

1) Электрлашган темирйўллар учун, темирйўл излари ўқидан алоқа кабеллари ва иссиқлик тармоқларининг қувурларигача масофалар 10,75 m дан кам бўлмаслиги керак.

Саноат корхоналарини реконструкция қилиш шароитларида мазкур жадвалнинг 6-бандида кўрсатилган темирйўллар, трамвай излари ва автомобиль йўлларида ҳисобланган масофалар техник-иктисодий асослаш ва лойиҳа ечимларига кўра қисқартирилиши мумкин. Бунда, темир йўллар ва трамвай изларига яқинлашган зоналарда кабеллар блоклар ва қувурлар ичида ётқизилиши керак. Кабеллар электрлаштирилган темир йўллар ва трамвай излари билан яқинлашган жойларда қувурлар изоляцияланган (асбоцементдан тайёрланган, гудрон ёки битум шимдирилган) бўлиши лозим.

2) Сув таъминоти қузури ва босимли оқова сув (канализация) қузуридан ерости резервуарларининг ташқи юзасигача масофа 3 m гача камайтирилишига, шунингдек бинолар ва бошқа иншоотлар пойдеворларигача масофа эса, сув қузурини ғилофда ётқизиш шarti билан 3 m гача камайтирилишига йўл қўйилади. Сув таъминоти қузури ва босимли оқова сув (канализация) қузуридан автомобиль йўлларининг йўлўтказгичлари ва туннелларигача масофалар, кўрсатилган қувурлар йўлўтказгичлари ва туннелар асосларидан 0,5 m чуқурликда ётқизилиши шarti билан 2 m гача камайтирилиши мумкин.

3) Каналсиз ётқизилган иссиқлик тармоқларидан, бино ва иншоотларгача масофа 5 m га тенг қилиб қабул қилиниши керак.

4) Муҳандислик тармоқлари, бино ва иншоотлар пойдевори этагидан пастрокда ётқизилганда, жадвалда кўрсатилган масофаларни грунт турига қараб узайтириш ёки пойдеворларни мустаҳкамлаш керак. Корхона ҳудуди чекланган шароитларда, муҳандислик тармоқларида авария содир бўлганда пойдеворлар шикастланишини олдини олувчи чораларни кўриш шarti билан муҳандислик тармоқларидан пойдеворларгача бўлган масофа камайтирилишига йўл қўйилади.

Муҳандислик тармоқлари	Ерости муҳандислик тармоқлари параллель жойлаштирилганда, тармоқлар орасидаги горизонтал масофалар, m											
	Сув таъминоти қузури	Оқова сув (канализация)	Дренаж ёки тарновлар	Ёнувчи газлар қувурларигача				Кучланиш кабеллари	Алоқа кабеллари	Иссиқлик тармоқлари		Каналлар, туннеллар
				Паст босимли 0,005 МРа гача	Ўрта босимли 0,05-0,3 МРа	Юқори босимли 0,3-0,6 МРа	Юқори босимли 0,6-1,2 МРа гача			Канал, туннель ташқи девори	Каналсиз ётқизилган, қобикқача	
1.Сув таъминоти қузури	1,5	(2-изоҳга қаранг)	1,5	1	1	1,5	2	0,5*	0,5	1,5	1,5	1,5
2.Оқова сув (канализация)	(2-изоҳга қаранг)	0,4	0,4	1	1,5	2	5	0,5*	0,5	1	1	1
3.Дренаж ва тарновлар	1,5	0,4	0,4	1	1,5	2	5	0,5*	0,5	1	1	1
4.Ёнувчи газлар қувурлари:												
а) паст босимли 0,005 МРа (0,05 kgf/cm ²) гача	1	1	1	(3-изоҳга қаранг)				1	1	2	1	2
б) ўрта босимли 0,05 дан 0,3 МРа (3 kgf/cm ²) гача	1	1,5	1,5	(3-изоҳга қаранг)				1	1	2	1	2
в) юқори босимли 0,3 дан 0,6 МРа (6 kgf/cm ²) гача	1,5	2	2	(3-изоҳга қаранг)				1	1	2	1,5	2
г) юқори босимли 0,6 дан 1,2	2	5	5	(3-изоҳга қаранг)				2	1	4	2	4

MPa (12 kgf/cm ²) гача													
5. Барча кучланиш кабеллари	0,5*	0,5*	0,5*	1	1		2	0,1-0,5*	0,5	2	2	2	
6. Алоқа кабеллари	0,5	0,5	0,5	1	1		1	0,5		1	1	1	
7. Иссиқлик тармоқлари:													
а) канал, туннель ташқи девори	1,5	1	1	2	2	.	4	2	1			2	
б) каналсиз ётқизилган, қобиқкача	1,5	1	1	1	1	,5	2	2	1			2	
8. Каналлар, туннеллар	1,5	1	1	2	2	.	4	2	1	2	2		

* «Электр усқуналарининг тузилиши қоидалари»га мувофиқ.

Изоҳлар:

1. Саноат қорхоналарини реконструкция қилиш шароитларида кучланиши 35 kW гача бўлган кабеллар ҳамда ёнмайдиган суюқликлар ва ёнмайдиган газлар қувурўтказгичлари ўртасидаги, масофани 0,25 m гача қамайтиришга йўл қўйилади, бунда кабеллар ерости тармоқларига яқинлашган участкаларда қувурўтказгичлар ичида ётқизилиши керак.

Кучланиши 110-220 kW бўлган кабеллар учун узунлиги 50 m дан кўп бўлмаган яқинлашиш участкасида қувурларгача, ёнвучи суюқликлар ва газлар қувурларини истисно қилганда, горизонтал бўйича масофани 0,5 m гача қамайтиришга йўл қўйилади, бунда кабеллар ва қувурлар ўртасида шикастланишларни олдини олувчи ҳимоя деворини ўрнатиш талаб этилади.

Иссиқлик тармоқлари қувурлари ва электр кабеллари ўртасидаги кўрсатилган масофаларни таъминлашнинг имкони бўлмаганда, йилнинг илиқ даврида грунтнинг қўшимча қизиб кетиши, кучланиши 10 kW гача бўлган кабеллар учун 100 °C дан, кучланиши 20-220 kW бўлган кабеллар учун эса 50 °C дан ошмаслик талабидан келиб чиқиб, иссиқлик тармоқлари қувурлари иссиқликдан изоляция қилиниши керак.

Кабелларни қувурлар устида ва остида жойлаштиришга йўл қўйилмайди.

2. Оқова сув (канализация) қувуридан, ичимлик суви таъминоти қувуригача бўлган масофа қуйидагича қабул қилинади:

гилли грунтларда ётқизиладиган темир-бетон ва асбоцемент қувурларгача — 5 m дан кўп эмас;

йириқ чақикли ва қумлоқ грунтларда ётқизиладиган темир-бетон ва асбоцемент қувурларгача — 10 m дан кам эмас;

диаметри 200 mm гача бўлган чўян сув қувурларигача — 1,5 m дан кам эмас; диаметри 200 mm дан кўп бўлганда — 3 m дан кам эмас;

сув таъминотининг пластмасса қувурларигача — 1,5 m дан кам эмас.

Ичимлик сув таъминоти қувурлари, оқова сув (канализация) қувуридан пастроқда жойлаштирилганда, улар орасидаги 1,5 m ва 3 m га тенг бўлган масофа, қувурлар ётқизилган жойлардаги баландликлари ўртасидаги фарққа узайтирилиши керак.

Оқова сув (канализация) тармоқлари ва ишлаб чиқариш сув таъминоти қувурлари ўртасидаги масофа, қувурлар материали ва диаметри, шунингдек, грунтлар хоссаларидан қатъи назар, 1,5 m дан кам бўлмаслиги лозим.

3. Бир траншеяда икки ва ундан ортик ёнувчи газлар қувурўтказгичларини жойлаштирилганда улар ўртасидаги масофа:

диаметри 300 mm гача қувурлар учун — 0,4 m дан кам;

диаметри 300 mm дан катта қувурлар учун — 0,5 m дан кам бўлмаслиги керак.

4. Жадвалда пўлат қувурларгача бўлган масофалар кўрсатилган.

Ерости металл бўлмаган газ қувурларини жойлаштиришда ШНҚ 2.04.08-22 талабларига риоя қилишини лозим.

5. Тармоқлар умумий траншеяда жойлаштирилганда улар орасидаги масофалар камералар, қудуқлар, қурилмалар ўлчамлари ва жойлаштирилиши, тармоқлар монтажи ва таъмирлаш зарурати таъминланиши, шунингдек, 1 — 4-изоҳларда баён этилган талаблардан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

6. Ерости газ қувуридан горизонтал бўйича минимал масофа:

оқова сув (канализация)нинг босимли тармоқларигача масофа, сув таъминоти тармоқларигача бўлганидек қабул қилинади;

қудуқлар ва камераларнинг ташқи деворигача масофа 0,3 m дан кам бўлмаслиги керак;

каналсиз ётқизилган дренажли иссиқлик тармоқларигача масофа каналли ўтқизишда бўлганидек қабул қилинади.

7. Саноат корхоналари реконструкция қилинаётган шароитларда босими 0,6 МПа (6 kgf/cm²)гача бўлган ёнувчи газлар қувурларидан, тарновлар ва оқова сув (канализация) қувурларигача масофа 50 фойзга қисқартирилиши мумкин.

8. Муҳандислик тармоқлари турли сатҳларда жойлаштирилганда, жадвалда кўрсатилган масофалар ётқизиш сатҳлари орасидаги фарқларга, грунтлар хоссаларига боғлиқ равишда узайтирилиши керак.

9. Оқова сув (канализация)дан иссиқлик таъминоти тизимлари ва иссиқ сув таъминотининг очиқ иссиқлик тармоқларидаги каналсиз ётқизилган сувли иссиқлик тармоқларигача минимал масофа:

иссиқлик тармоқлари қувурларининг диаметри 200 mm ва ундан кам бўлса — 1,5 m; 200 mm дан катта бўлса — 3 m қилиб қабул қилиниши лозим.

Оқова сув (канализация) тармоқлари, иссиқлик тармоқларидан юқорироқда жойлаштирилганда, кўрсатилган масофалар ётқизиш баландлиги (чуқурлиги) орасидан фарқланишга узайтирилиши лозим.

109. Кесишадиган қувурлар деворлар орасидаги масофа 0,5 m га тенг бўлса, оқова сув (канализация) қувурларидан пастроқда ғилофсиз ётқизилишига йўл қўйилади.

110. Кабель линияси кучланиши 110 kW ва ундан юқори бўлган юқори вольтли тармоқларга параллель тарзда ётқизилганда, кабелдан энг чекка симгача масофа 10 m дан кам бўлмаслиги керак.

111. Саноат корхонасини реконструкция қилиш шароитларида кабель линияларидан кучланиши 1000 V дан юқори бўлган юқори вольтли тармоқлари айрим таянчларининг ерости қисмлари ва уланадиган жойигача масофа 2 m дан кам бўлмаслиги лозим.

112. Муҳандислик тармоқларини ётқизиш жараёнида кесишган ҳолатларда:

қувурлар ёки электр кабеллар, алоқа кабеллари ва рельс этагидан ҳисоблаганда темирйўл излари ўртасидаги масофа ёки қатнов қисми қопламасининг юқори қисмидан ҳисоблаганда қувурнинг (ёки ғилофининг) юқори нуқтасигача ёки электр кабелигача тик (вертикал) масофалар, агар ишлар очиқ ҳолатда (грунтни босиб йўл очиш, горизонтал бурғилаш ёки кавлаш) усулда бажарилса 1,5 m дан кам бўлмаслиги;

каналлар ёки туннелларда жойлаштириладиган қувурлар ва электр кабеллари орасидаги, каналлар ёки туннелларни ёпилган қисмининг юқори нуқтасидан, темирйўл рельслари этагигача вертикал масофа — 1 m, кювет туби ёки бошқа сув чиқарадиган иншоотлар ёхуд темирйўл ер полотноси кўтармасининг асосигача бўлган вертикал бўйича масофа эса — 0,5 m дан кам бўлмаслиги;

қувурлар ва кучланиши 35 kW бўлган кабеллар ҳамда алоқа кабелларигача масофа — 0,5 m кам бўлмаслиги;

110-220 kW бўлган кабеллар ва қувурлар орасидаги масофа — 1 m кам бўлмаслиги лозим.

113. Саноат корхоналарини реконструкция қилиш шароитида электр ускуналари тузилиши қоидалари талабларига риоя қилган ҳолда барча кучланишли кабеллар ва қувурлар орасидаги масофаларни 0,25 m гача камайтиришга йўл қўйилади.

114. Турли мақсадларга мўлжалланган қувурлар (сув таъминоти қувурлари билан кесишадиган оқова сув (канализация) қувурлари ва заҳарли модда ҳамда бадбўй суюқликларни ташиш учун мўлжалланган қувурларни истисно қилганда) орасидаги масофа — 0,2 m кам бўлмаслиги керак.

115. Ичимлик сувини етказиб берувчи қувурларни оқова сув (канализация) қувурлари ва заҳарли модда ҳамда бадбўй суюқликларни ташиш учун мўлжалланган қувурлардан 0,4 m га баландроқда жойлаштириш лозим.

116. Ичимлик сувини етказиб берувчи, ғилофга жойлаштирилган пўлат қувурларни канализация қувурларидан пастроқда жойлаштиришга йўл қўйилади, бунда канализация қувурлари деворларидан ғилоф қирқилган жойигача бўлган масофа иккала томонда гилли грунтларда 5 m ни, йирик чақиқли ва қумлоқ грунтларда эса — 10 m ни ташкил қилиши, ҳамда канализация қувурлари чўяндан бўлиши керак.

117. Қувурнинг диаметри 1500 mm бўлганда хўжалик ва ичимлик сув жойлашган оқова сув (канализация) қувурларигача бўлган масофа 0,4 m бўлиши зарур.

118. Саноат корхоналарининг ҳудудларида муҳандислик тармоқларини тик (вертикал) жойлаштириганда ШНҚ 2.04.02-19, ҚМҚ 2.04.03-19, ШНҚ 2.04.07-22, ШНҚ 2.04.08-22га ҳамда электр ускуналарининг тузилиши қоидалари талабларига риоя қилиш лозим.

119. Саноат корхоналарининг ҳудудларида жойлашган газ қувурлари каналлар ва туннеллар билан кесишганда уларни ушбу қурилмалар устида ёки остида канал ёки туннелнинг ташқи деворларидан икки томонига 2 m чиқадиган ғилофларда жойлаштирилиши керак.

Босими 0,6 МПа (6 kgf/cm²) гача бўлган газ қувурларини туннеллар орасидан ғилофда ўтказишга йўл қўйилади.

120. Муҳандислик тармоқлари қувурларини, темирйўл ва трамвай излари, автомобиль йўллари билан кесишиши йўл ўқига нисбатан 45° — 90° бурчак остида лойиҳаланиши лозим.

Газ қувурлари ва иссиқлик тармоқларидан рельс йўналтиргичлари (стрелка), крестовина думи ва сўрувчи кабелларнинг рельсларга уланадиган жойларигача масофалар трамвай излари учун 3 m ни, темирйўл излари учун 10 m бўлиши керак.

121. Бевосита ерда ётқизиладиган кабель линияларини электрлашган темирйўл излари билан кесишиши, йўл ўқига нисбатан 75°— 90° бурчак остида лойиҳаланиши лозим. Кесишиш жойидан рельс йўналтиргичлари (стрелка), крестовина думи ва сўрувчи кабелларнинг, рельсларга уланадиган жойларигача масофа трамвай излари учун 3 m ни, темирйўл излари учун 10 m бўлиши зарур.

3-§. Ер усти тармоқлари

122. Муҳандислик тармоқларини ер устида жойлаштиришда уларни механик шикастланишлар ва атмосферанинг салбий таъсирларидан муҳофаза қилиниши лозим.

Ерусти тармоқларини очик лотокларда, шпалалар устида, корхона ер юзасининг режавий сатҳидан пастроқ сатҳда жойлаштириш лозим. Муҳандислик тармоқларини ер устида жойлаштиришнинг бошқа (худуд юзасига ёки тўлдирмалар устига ётқизиладиган канал ва туннеллар, ярим кўмилган канал ва туннеллар, очик траншеялар) усулларини қўллашга йўл қўйилади.

123. Ёнувчи газлар, токсик маҳсулотлар учун қувурларни, кислоталар ва ишқорлар етказиб бериладиган қувурўтказгичларни, оқова сув (канализация) қувурларини очик траншея ва лотокларда жойлаштиришга йўл қўйилмайди.

124. Муҳандислик тармоқлари таянч, эстакада, галереяларда ёки бино ва иншоотларнинг деворларида жойлаштирилиши мумкин.

125. Қуйидаги муҳандислик тармоқларини ер устида жойлаштиришга йўл қўйилмайди:

енгил алангаланувчи ва ёнувчи суюқликларни, корхона ҳудудига газ етказиб берувчи транзит қувурларини, эстакадаларда, енгил алангаланадиган моддалар ва

материаллардан қурилган устунлар ва таянчларда, шунингдек ишлаб чиқариш тоифаси В, Г ва Д бўлган, оловбардошлик даражаси I, II, III синф бўлган биноларни томларида ва деворларида;

муҳандислик тармоқларидаги маҳсулотларнинг аралашиб кетиши натижасида портлаш ёки ёнғин келиб чиқиш эҳтимоли бўлганда, ёнувчи суюқликли қувурларни ва газсимон маҳсулотли қувурларни галереяларда;

енгил алангаланувчи ва ёнувчи суюқликлар, ҳамда газ маҳсулотларини етказиб берувчи қувурларда;

оловбардошлик даражасига эга бўлмаган том ва деворларда;

портлаш хавфи юқори бўлган материаллар жойлашган биноларнинг том ва деворларида;

ёнувчи газ маҳсулотлари қувурларини енгил алангаланувчи ва ёнувчи суюқликлар, ҳамда ёнувчи материаллар сақланадиган омборхоналар ҳудудида;

кабель линиялари ҳар қандай бино ва иншоотларнинг томларида;

транзит кабель линияларини бино ва иншоотлар томларида ва деворларида, портлаш ва ёнғин хавфи юқори материаллар сақланадиган омборхоналар томларида ва деворларида.

126. Енгил алангаланувчи ва ёнувчи суюқлик маҳсулотлари қувурўтказгичлари учун эстакадалар, турли кўринишдаги таянчларни жойлаштиришда, дераза (эшик) лари бўлган деворлардан камида 3 m масофада ўрнатиш лозим, дераза (эшик) лари бўлмаган деворлардан ушбу масофа 0,5 m гача камайтирилиши мумкин.

127. Ер устидан паст таянчларда суюқлик ва босимли газ маҳсулотлари қувурўтказгичларини ҳамда кучланиш ва алоқа кабелларини жойлаштиришга йўл қўйилади. Бунда, кучланиш ва алоқа кабеллари қуйидаги жойларда жойлаштирилиши лозим:

саноат корхонасининг ҳудудида махсус ажратилган техник йўлчаларда;

суюқ маҳсулотлар ва суюлтирилган газ маҳсулотлари сақланадиган омборхоналар ҳудудида.

128. Саноат корхонасининг транспорт воситалари ва одамлар ҳаракатланишидан ҳоли участкаларида, ер сатҳидан қувурларнинг қуйи қисмигача бўлган баландлиги қуйидаги кўрсаткичлардан кам бўлмаслиги керак:

қувур кенлиги 1,5 m гача бўлганда — 0,35 m;

қувур кенлиги 1,5 m дан катта бўлганда — 0,5 m.

Диаметри 300 mm дан кичик бўлган қувурлар, тик (вертикал) ҳолатда қаторма-қатор қилиб жойлаштирилиши лозим.

129. Баланд таянчларда ётқизиладиган қувурларнинг қуйи қисми (изоляциясининг юзаси)гача бўлган баландлиги қуйидагича бўлиши лозим:

саноат корхонасининг транспорт ҳаракатланмайдиган, бироқ одамлар ҳаракатланадиган участкаларида — 2,2 m;

саноат корхонасининг ҳудудидаги автомобиль йўллари билан кесишадиган участкаларда (йўлнинг қатнов қисми юзасининг сатҳидан) — 5 m;

трамвай излари билан кесишадиган участкаларда, рельс каллагидан — 7,1 m;

енгил алангаланувчи ва ёнувчи газ маҳсулотларига мўлжалланган қувурларининг, ёнувчи шлакларни ҳамда эритилган чўян маҳсулотларини ташишга мўлжалланган темирйўллар билан кесишиш жойларида — рельс каллагидан 10 m, бунда қувурларни иссиқликдан ҳимоя қилиш чоралари кўрилган бўлса — 6 m.

Оқова сув (канализация) тизимининг тозалаш иншоотлари, углеводород хомашёси учун магистраль қувурлар, компрессор ва нефть ҳайдаш станциялари қувурларини лойиҳалашда санитария оралиқлари ташкил қилиниши, санитария оралиқларининг ўлчамлари СанҚваН 0350-17 ва СанҚваН 0339-16 талабларига мувофиқ бўлиши лозим.

ШНҚ 2.09.17-21 «Саноат
корхоналарининг бош режаларини
лойиҳалаш» шаҳарсозлик нормалари ва
қоидаларига
ИЛОВА

**Саноат корхоналарининг ҳудудларидаги қурилиш зичлигининг минимал
кўрсаткичлари**

Саноат тармоқлари	Корхоналар (ишлаб чиқариш объектлари)	Қурилишнинг минимал зичлиги, фоиз
Кимё саноати	1. Кон-кимё саноати	28
	2. Азот саноати	33
	3. Фосфат ўғитлар ва ноорганик кимёнинг бошқа маҳсулотлари	32
	4. Сода ишлаб чиқариш	32
	5. Хлор ишлаб чиқариш	33
	6. Асосий кимёнинг бошқа маҳсулотлари	33
	7. Вискоза толаси	45
	8. Синтетик тола	50
	9. Синтетик смола ва пластмасса	32
	10. Пластмасса буюмлар	50
	11. Лок-бўёқ саноати	34
	12. Органик синтез маҳсулотлари	32
Қора металлургия	1. Темир рудасини бойитиш ва қиздирилган темир бўлақларини ишлаб чиқариш, қуввати млн. т/йил: 5-20 20 дан кўп	28 32
	2. Майдалаш-саралаш корхонаси, қуввати млн. т/йил: 3 гача 3 дан кўп	22 27
	3. Таъмирлаш ва транспорт корхоналари (очиқ усулда қазиладиган конларнинг)	27
	4. Ёпиқ усулда қазиладиган конлардаги шахта устидаги комплекслар ва бошқа иншоотлар	30
	5. Металл буюмлар	50
	6. Феппо қотишмалар	30
	7. Қувурлар	45
	8. Оловбардош буюмлар	32
	9. Оловбардош хомашёни пишириш ҳамда кукун ва мертель ишлаб чиқариш	28
	10. Темир-терсак ва қора металл чиқиндиларини қайта ишлаш	25
Рангли металлургия	1. Алюминий	43
	2. Кўрғошин-рух ва титан-магний	33
	3. Мис эритиш	38
	4. Ёпиқ усулда қазиладиган конлардаги шахта устидаги комплекслар ва бошқа иншоотлар, бойитиш фабрикасиз, қуввати млн. т/йил:	

	3 гача	30
	3 дан кўп	35
	5. Шу каби, бойитиш фабрикаси билан, қуввати млн. т/йил:	30
	6. Бойитиш фабрикалари, қуввати млн. т/йил:	
	15 гача	27
	15 дан кўп	30
	7. Электрод ишлаб чиқариш	45
	8. Рангли металлларни қайта ишлаш	45
	9. Аллюминий оксиди	35
Кўмир саноати	1. Кўмир ва сланес шахталари, бойитиш фабрикаси	28
	2. Шу каби, бойитиш фабрикаси билан	26
	3. Марказий (гуруҳли) бойитиш фабрикалари	23
Селлюлоза-қоғоз саноати	1. Селлюлоза-қоғоз ва селлюлоза-картон	35
	2. Келтирилган селлюлоза ва макулатура ишлайдиган қоғоз ва картон корхоналари	40
Энергетика	1. Қуввати 2000 MW дан ортиқ электр станциялари	
	а) градирняларсиз:	
	атом	29
	қаттиқ ёқилғида ишлайдиган ГРЭС	30
	газ-мазутда ишлайдиган ГРЭС	38
	б) градирняли:	
	атом	26
	қаттиқ ёқилғида ишлайдиган ГРЭС	30
	газ-мазутда ишлайдиган ГРЭС	35
	2. Қуввати 2000 MW гача бўлган электр станциялари:	
	а) градирняларсиз:	
	атом	22
	қаттиқ ёқилғида ишлайдиган ГРЭС	25
	газ-мазутда ишлайдиган ГРЭС	33
	б) градирняли:	
	атом	21
	қаттиқ ёқилғида ишлайдиган ГРЭС	25
	газ-мазутда ишлайдиган ГРЭС	33
	3. Иссиқлик электр станциялари (ИЭС), градирняли:	
	а) қуввати 500 MW гача:	
	қаттиқ ёқилғида ишлайдиган	28
	газ-мазутда ишлайдиган	25
	б) қуввати 500 дан 1000 MW гача:	
	қаттиқ ёқилғида ишлайдиган	28
	газ-мазутда ишлайдиган	26
	в) қуввати 1000 MW дан ортиқ:	
	қаттиқ ёқилғида ишлайдиган	29
	газ-мазутда ишлайдиган	30
Сув хўжалиги	1. Қишлоқ хўжалиги сув таъминотининг мелиорация тизимларидаги эксплуатация ва	50

	таъмирлаш-эксплуатация участкалари	
Нефть саноати	1. Ўлчов қурилмалари	30
	2. Нефть насос станциялари (сиқувни яқунловчи)	25
	3. Нефть, газ ва сувни йиғиш ҳамда тайёрлаш марказий пунктлари, млн. м ³ /йил:	
	3 гача	35
	3 дан кўп	37
	4. Компрессорли газ-лифт қурилмалари	35
	5. Нефть газини ҳайдаш компрессор станциялари, қуввати минг м ³ /д	
	200	25
	400	30
Машинасозлик	6. Нефть қатламларига сув бостириш учун бирлашган насос станциялари	25
	7. Нефть-газ қазиб олувчи корхоналарга ва бурғилаш бошқармаларига ишлаб чиқариш хизматларини кўрсатиш базалари	45
	8. Нефть саноати моддий-техник таъминоти базалари	45
	9. Нефть саноати геофизика базалари	30
	1. Буғ ва энергетика қозонлари ҳамда қозонхона-ёрдамчи ускуналар	50
	2. Буғ, гидравлик ва газ турбиналари, турбо ёрдамчи ускуналар	52
	3. Прокат, пўлат эритиш, аголомерация ускуналари	50
	4. Механизациялашган мустаҳкамлаш иншоотлари, қазиб олиш комплекслари ва агрегатлари, вагонеткалар, тозалаш ва қозиш ишлари учун комбайнлар, кўмир қазиб олиш учун рандалаш қурилмалари, юклаш-тушириш ва уйиш машиналари, гидравлик устунлар, бойитиш ускуналари, шахта юзасида механизациялашган ишлар учун ускуналар ва кон саноати учун бошқа машина ва механизмлар	52
	5. Чорпоя ва кўприк электр кранлар	50
6. Лентали конвеерлар, контейнерларга жойлаштирилган юклар учун қирғичли, осма юк ташувчи қурилмалар, таль (тельфер), эскалатор ва бошқа кўтариш-транспорт ускуналари	52	
Темирйўл	7. Лифтлар	65
	8. Темирйўл ҳаракатланувчи таркиби учун тормоз қурилмалари	52
	1. Темир йўл транспорти ҳаракатланувчи таркибини таъмирлаш	40
Электротехника саноати	1. Электр двигателлар	52
	3. Юқори вольтли аппаратура	60
	4. Трансформаторлар	45
	5. Паст вольтли аппаратура ва ёритиш ускуналари	55
	6. Кабель маҳсулотлари	45

	7. Электр лампалар	45
	8. Электр изоляцияси материаллари	57
	9. Аккумулятор	55
	10. Ярим ўтказгичли қурилмалар	52
Электроника саноати	1. Электроника саноати: а) бир бинода жойлашган корхоналар (корпус- завод) б) бир нечта биноларда жойлашган корхоналар: бир қаватли кўп қаватли	60 55 50
Кимё машинасозлиги	1. Нефть ва газ қазиб олиш ва селлюлоза-қоғоз саноати учун ускуна ва арматуралар 2. Саноат қувурлари учун арматуралар	50 55
Ускунасозлик саноати	1. Металл кесиш ускуналари, куйиш ва ёғочни қайта ишлаш ускуналари 2. Темирчилик-пресслаш ускуналари 3. Асбобсозлик 4. Сунъий олмос, абразив материаллар ва улардан тайёрланган асбоблар 5. Металл куйиш ускуналари 6. Чўкичлар ва қолиплаш дастгоҳлари 7. Машинасозлик учун пайвандланган конструкциялар 8. Умумий машинасозликда қўлланадиган асбоб- ускуналар (редуктор, гидроускуна, фильтрловчи қурилмалар, умумий машинасозлик деталлари)	50 55 60 50 50 52 50 52
Асбобсозлик	1. Автоматлаштириш воситалари, бошқарув тизимларини ишлаб чиқариш: а) ишлаб чиқариш биноларининг умумий майдони 100 минг m ² б) шу каби 100 минг m ² дан кўп; в) симоб ва шиша пиширишни қўллаганда	50 55 30
Кимё-фармасевтика саноати	1. Кимё-фармасевтика 2. Тиббий асбоб-ускуналар 3. Шиша ва чиннидан тиббий буюмларни ишлаб чиқариш	32 43 40
Автосаноат	1. Автомобилсозлик 2. Автомобиль йиғиш 3. Автомобиль моторларини ишлаб чиқариш 4. Автомобиль агрегатлари, узеллари ва эҳтиёт қисмларини ишлаб чиқариш 5. Подшипниклар ишлаб чиқариш	50 55 55 55 55
Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги	1. Трактор, қишлоқ хўжалиги машиналари, трактор ва комбайнлар моторлари 2. Трактор ва қишлоқ хўжалиги машиналари учун агрегатлар, узеллар, деталлар ва эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш	52 56
Йўл қурилиши машинасозлиги	1. Бульдозер, скрепер, экскаваторлар ва экскаватор узелларини ишлаб чиқариш	50

	2. Пневматик ва электр асбоблар ҳамда кичик механизация воситалари	63
	3. Мелиорация ишлари, ёғоч тайёрлаш ва торф саноати учун ускуналар	55
	4. Коммунал соҳа машинасозлиги	57
Ускуналар ишлаб чиқариш	1. Енгил, тўқимачилик, озиқ-овқат, омухта ем ва полиграфия саноати учун технологик ускуналар	55
	2. Савдо ва умумий овқатланиш тармоқлари учун технологик ускуналар	57
	3. Шиша саноати технологик ускуналари	57
	4. Маиший асбоблар ва машиналар	57
Ёғочсозлик саноати	1. Арраланган ёғоч материаллари, стандарт уйлар, деталлар комплекти, дурадгорлик буюмлари: хомашёни етказиб бериш ва маҳсулотни жўнатиш темирйўл орқали амалга оширилганда	40
	2. Ёғоч-кипиқли плиталар	45
	3. Фанер	47
	4. Мебель	53
Енгил саноат	1. Пахтани ёпиқ сақлаш шароитида ишлайдиган пахта тозалаш корхоналари	29
	2. Пахтанинг 25 фоиз ёпиқ, 75 фоиз очик сақлаш шароитида ишлайдиган пахта тозалаш корхоналари	22
	3. Пахта тайёрлаш пунктлари	21
	4. Жунга бирламчи ишлов бериш корхоналари	61
	5. Ипак калавалаш корхоналари	41
	6. Бош корпуси 1 қаватли тўқимачилик комбинатлари	60
	7. Бир қаватли корпусларда жойлаштирилган тўқимачилик фабрикалари, бош ишлаб чиқариш корпусининг умумий майдони:	
	50 минг m^2 гача	55
	50 минг m^2 дан кўп	60
	8. Тўқимачилик галантереяси	60
	9. Устки ва ички трикотаж	60
	10. Тикув-трикотаж корхоналари	60
	11. Тикув корхоналари	55
	12. Чарм ва териға бирламчи ишлов бериш корхоналари:	
	бир қаватли	50
	икки қаватли	45
13. Сунъий чарм, поябзал картони ва плёнка ишлаб чиқариш корхоналари	55	
14. Чарм галантереяси корхоналари:		
бир қаватли	55	
кўп қаватли	50	
15. Мўйна ва қўйтери-пўстин корхоналари	55	
16. Поябзал:		
бир қаватли	55	

	кўп қаватли	50
	17. Поябзал, галантерея, тикув ва трикотаж саноати учун фурнитура ва бошқа буюмлар ишлаб чиқарувчи корхоналар	52
Озиқ-овқат саноати	1. Лавлагини қайта ишлайдиган қанд заводлари, суткасига минг t: 3 минг t гача (лавлаги кагат майдонларида сақланганда)	55
	3 дан 60 минг t гача (лавлаги механизациялаштирилган омборда сақланганда)	50
	2. Нон ва нон маҳсулотлари, ишлаб чиқариш қуввати t/d: 45 гача	37
	45 дан ортиқ	40
	3. Қандолат маҳсулотлари корхонаси	50
	4. Ўсимлик мойи корхонаси, қуввати: суткасига 400 t	33
	суткасига 400 t дан ортиқ	35
	5. Маргарин маҳсулотлари корхонаси	40
	6. Парфюмерия-косметика маҳсулотлари	40
	7. Узум вноси ва вино маҳсулотлари корхонаси	50
	8. Пиво ва солод ишлаб чиқариш	50
	9. Мева-сабзавот консервалари корхонаси	50
	10. Чой баргига бирламчи ишлов бериш корхонаси	40
	11. Тамаки ферментацияси	41
Гўшт-сут саноати	1. Гўшт комбинати (сўйиш ва қон чиқариш цехлари билан)	40
	2. Гўшт консервалари, колбаса, дудланган ва бош бошқа гўшт маҳсулотлари	42
	3. Сутни қайта ишлаш цехлари, қуввати бир сменада: 100 t гача	43
	100 t дан ортиқ	45
	4. Ёғи олинган куруқ сут ишлаб чиқариш цехи, қуввати: бир сменада 5 t гача	36
	бир сменада 5 t дан кўп	42
	5. Сутли консервалар	45
	6. Пишлоқ	37
Микробиосаноат	1. Гидролиз-хамиртурушли, фурфуролли, оксил витаминли концентратлар ва премикс ишлаб чиқарувчи корхоналар	45
Тайёрлаш корхоналари	1. Ун тегирмонлари, ёрма заводлари, элеваторлар, омухта ем ва буғдой қабул қилиш корхоналари	44
	2. Нон маҳсулотлари комбинатлари	42
Қишлоқ хўжалиги техникаси	1. Юк машиналарини таъмирлаш	60
	2. Тракторлар, трактор агрегатлари ва узелларини таъмирлаш	56
	3. Юк автомобилларига техник хизмат кўрсатиш	40

	станциялари 4. Тракторларга техник хизмат кўрсатиш станциялари 5. Вилоят савдо базалари 6. Темирйўл яқинидаги базалар (туман ва туманлараро) 7. Минерал ўғитлар, оҳак, заҳарли кимёвий моддалар базалари 8. Ўсимликларни химоя қилувчи кимёвий воситалар сақланадиган омборлар	40 57 54 35 57
Маҳаллий саноат	1. Қулф ва майда металл буюмлар корхонаси 2. Бадиий керамика корхонаси 3. Металл ва тошдан ясалган бадиий буюмлар корхонаси 4. Пуфлаб чалинадиган мусиқа асбоблари корхонаси 5. Ёғоч ўйинчоқлар ва сувенирлар фабрикаси 6. Металл ўйинчоқлар корхонаси 7. Тикувчилик маҳсулотлари фабрикаси икки қаватли бинода қаватлари иккидан кўп биноларда	61 56 52 56 53 61 74 60
Қурилиш материалларини ишлаб чиқариш	1. Цементдан тайёрланадиган материаллар: ишлаб чиқаришнинг қуруқ усули билан ишлаб чиқаришнинг ҳўл усули билан 2. Асбестоцемент буюмлар 3. Аввалдан кучлантирилган темир-бетон темирйўл шпалалари, қуввати 90 минг m^3 /йил 4. Босимли темир-бетон қувурлар, қуввати йилига 60 минг/ m^3 5. Ғовак ва яхлит силикобетондан тайёрланган йирик блоклар, панеллар ва бошқа конструкциялар, ишлаб чиқариш қуввати минг m^3 /йил 120 200 6. Темирйўл ва автомобиль йўллари қурилиши учун темир-бетон кўприк конструкциялари, қуввати 40 минг m^3 /йил 7. Гидротехника иншоотлари қурилиши учун темир-бетон конструкциялар, қуввати 150 минг m^3 /йил 8. Йиғма темир-бетон ва енгил бетон конструкциялар, ишлаб чиқариш қуввати минг m^3 /йил 40 100 11. Пишган ғишт ва керамик блоклар ишлаб чиқариш 12. Силикат ғишт ишлаб чиқариш	35 37 42 50 45 45 50 40 50 50 55 42 45

13. Полга ётқизиладиган керамик плиталар, сирланган пардозлаш плиткалари, бинолар фасадини пардозлаш учун керамик буюмлар	45
14. Канализация тармоқлари учун керамик қувурлари	45
15. Керамик дренаж қувурлари	45
16. Гидромеханизация усули билан кон қазишда шағал-саралаш ишлари, ишлаб чиқариш қуввати минг $m^3/йил$:	
500-1000	35
200 (йиғиш-қисмларга ажратиш)	30
17. Экскаватор билан кон қазишда шағал-саралаш ишлари, ишлаб чиқариш қуввати 500-1000 минг $m^3/йил$	27
18. Бир турли мустаҳкам жинсларни қайта ишлаш бўйича майдалаш-саралаш ишлари, ишлаб чиқариш қуввати минг $m^3/йил$:	
600-1600	27
200 (йиғиш-қисмларга ажратиш)	30
19. ИЭС куллари ва керамзитдан тайёрланган аглопорит шағал ишлаб чиқариш	40
20. Кўпиртирилган перлит ишлаб чиқариш (перлитобитум плиталарни ишлаб чиқариш билан) ёқилғи сифатида қуйидагилар қўлланганда:	
табiiй газ	55
мазут	50
21. Минерал пахта ва минерал пахтадан вермикулит ва перлит иссиқлик ва товуш изоляцияси маҳсулотларини ишлаб чиқариш	45
22. Оҳак ишлаб чиқариш	30
23. Оҳак уни ва хом туйилган гипс ишлаб чиқариш	33
24. Дераза ойнаси, сайқалланган, архитектура-қурилиш, техник ва ойна толаси ишлаб чиқариш	38
25. Кварц қумини бойитиш корхонаси, ишлаб чиқариш қуввати 150-300 минг $t/йил$	27
26. Консерва шиша идишлари, хўжалик шиша идишлари ва биллур буюмлар корхонаси	43
27. Қурилиш, техник, санитария-техник фаянс, чинни ва ярим чинни ишлаб чиқариш	45
28. Пўлат қурилиш конструкциялари (шу жумладан қувурлардан тайёрланган конструкциялар)	55
29. Кўприклар учун пўлат конструкциялар	45
30. Монтаж (назорат-ўлчаш асбоблари НЎА автоматика, сантехника) ва электр монтаж иш қисмлари	60
31. Технологик металл конструкциялар ва қувурларнинг узеллари	48
32. Қурилиш машиналарини таъмирлаш корхонаси	63

	33. Ихтисослаштирилган монтаж ташкилотларининг бирлаштирилган корхоналари: механизация базаси билан	50
	механизация базаси бўлмаганда	55
	34. Қурилиш механизация базалари	47
	35. Қурилиш ва монтаж трестларини ишлаб чиқариш-техник бутлаш бўйича бошқарув базалари	60
	36. Умумқурилиш кўчма механизациялаштирилган колонналарнинг таянч базалари	40
	37. Ихтисослаштирилган кўчма механизациялаштирилган колонналарнинг таянч базалари	50
	38. Қурилиш ташкилотларининг таркибида 200 ва 300 ихтисослашган катта юк автомобиллари ва автопоездлар бўлган автотранспорт корхоналари	40
	39. Гаражлар:	
	150 та автомобиль учун	40
	250 та автомобиль учун	50
Транспорт воситаларига хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш	1. Юк автомобилларини капитал таъмирлаш корхонаси, қуввати — бир йилда 2-10 мингта автомобилни капитал таъмири	60
	2. Юк автомобиллари агрегатлари ва автобусларни таъмирлаш корхонаси, қуввати — бир йилда 10-60 мингта капитал таъмири	65
	3. Тайёр агрегатларни қўллаш билан бажариладиган автобус таъмирлаш корхонаси, қуввати — бир йилда 1-2 минг автобус таъмири	60
	4. Енгил автомобиль агрегатларини таъмирлаш корхонаси, қуввати — бир йилда 30-60 мингта капитал таъмир	65
	5. 200 та автомобиль учун мўлжалланган юк ташиш корхонаси, рейсга мустақил чиқишлари, фоизда:	
	100	45
	50	51
	6. 300 ва 500 та автомобиль учун мўлжалланган юк ташиш корхонаси, рейсга мустақил чиқишлари, фоизда:	
	100	50
	50	55
	7. Автобус парклари, автобуслар сони:	
	100	50
	300	55
	500	60
	8. Таксомотор парклари, автомобиллари сони:	
	300	52
	500	55
	800	56
	1000	58

	9. Суткасига 500-1500 тонна жўнатадиган юк автостанциялари.	55
	10. 1200 автомобилга марказлашган техник хизмат кўрсатувчи корхона	45
	11. Енгил автомобилларга техник хизмат кўрсатиш станциялари, постлар сони:	
	5	20
	10	28
	25	30
	50	40
	12. Автомобилларга ёқилғи қуйиш станциялари, 1 суткада хизмат кўрсатиладиган автомобиллар сони:	
	200	13
	200 дан ортик	16
	13. Йўл-таъмирлаш пунктлари	29
	14. Йўл участкалари	
	шу каби, йўл-таъмирлаш пункти билан	32
	шу каби, техник ёрдам йўл-таъмирлаш пункти билан	34
	15. Йўл-қурилиш бошқармаси	40
	16. цемент-бетон корхоналари, қуввати минг m^3 /йил:	
	30	42
	60	47
	120	51
	17. Асфальт-бетон ишлаб чиқариш корхоналари, қуввати минг m^3 /йил:	
	30	
	60	35
	120	44
	19. Битум базлари:	48
	темирйўл бўйидаги	31
	трасса бўйидаги	27
	20. Қум базалари	48
	21. Темир-бетон конструкцияларни тайёрлаш учун полигонлар, қуввати 40 минг m^3 /йил	35
Балиқ хўжалиги	1. Балиқни қайта ишлаш корхоналари, қуввати t/d:	
	10	40
	10 дан ортик	50
Маиший хизмат кўрсатиш корхоналари	1. Ишлаб чиқариш майдони $2000 m^2$ дан катта бўлган маиший хизмат кўрсатиш бўйича ихтисослаш-тирилган саноат корхоналари:	
	а) кийим-бош тикиш ва таъмирлаш, радио-теле аппаратура таъмирлаш корхоналари ва фотосуратлар фабрикаси	60
	б) поябзал тикиш ва таъмирлаш, мураккаб маиший техникани таъмирлаш, кимёвий тозалаш ва бўяш фабрикаси, маиший хизмат кўрсатиш	55

	корхоналарининг мослаштирилган блоклари в) мебель таъмирлаш ва тайёрлаш корхоналари	50
Нефть-кимё саноати	1. Нефтни қайта ишлаш корхоналари 2. Синтетик каучук ишлаб чиқариш 3. Қурум (қорақуя) саноати корхоналари 4. Шина ишлаб чиқариш 5. Резинатехника буюмлари саноати 6. Резина поябзал ишлаб чиқариш	46 32 32 55 55 55
Геология ва минерал ресурслар давлат кўмитаси	1. Геологоразведка бошқармалари ва трестларнинг ишлаб чиқариш ва моддий-техник таъминоти базалари 2. Нефть ва газ разведкаси қошидаги ишлаб чиқариш базалари, ишларнинг йиллик ҳажми минг м ³ : 20 50 100 3. Каттиқ фойдали қазилмалар қидируви экспедициялари қошидаги ишлаб чиқариш базалари 4. Конларга ер остида қазилушу усули билан ишлов бериладиган қидирув шахталарининг бойитиш фабрикаси бўлмаган ерусти комплекслари, қуввати йилига 200 000 t 5. Қуввати йилига 30 минг t га тенг бойитиш фабрикалари 6. Майдалаш-саралаш фабрикалари, қуввати йилига 30 000 t	40 40 45 50 35 26 25 20
Газ саноати	1. Газ қазиб олиш бўйича бош иншоотлар, газни комплекс тайёрлаш қурилмалари, газ ерости омборларининг компрессор станциялари 2. Магистраль газ қувурларининг компрессор станциялари 3. Газ ерости омборларининг газ тақсимловчи пунктлари 4. Таъмирлаш-эксплуатация пунктлари	35 40 25 45
Нашриётчилик	1. Газета, китоб, журнал нашриётлари	50
Маҳсулот етказиб бериш корхоналари	1. Маҳсулот етказиб бериш корхоналари 2. Металл маҳсулотларни етказиб бериш корхоналари	40 35

Изоҳлар:

1. Корхона ҳудудидаги қурилишлар майдончасининг зичлиги: иморатлар қурилган майдоннинг, корхонанинг тўсиқлари (тўсиқлар бўлмаганда — шартли чегаралар) билан белгиланган умумий майдонига нисбати билан аниқланади. Бунда умумий майдонга темирйўл излари шохобчалари эгаллаган майдон ҳам қўшилади.

2. Иморатлар қурилган майдоннинг катталиги барча турдаги бино ва иншоотлар, шу жумладан шийпонлар, очик технологик, санитария-техник, энергетик ва бошқа қурилмалар, эстакада ва галереялар, юклаш-юк тушириш қурилмалари, ерости иншоотлари (тепасида бино ва иншоотлар жойлаштирилмайдиган резервуарлар, ертўлалар, омборлар ва туннеллар), шунингдек, тураргоҳ ва омборларнинг ўлчамлари ҳамда ускуналари, корхоналарни технологик лойиҳалаш нормалари бўйича қабул қилинган автомобиллар, машина ва механизмлар учун очик тураргоҳлар ва очик омборлар билан эгалланган майдонлар суммаси билан аниқланади.

Иморатлар қурилган майдон таркибига, корхона ҳудудидаги лойиҳалаш топшириғига мувофиқ бино ва иншоотлар (ушбу бино ва иншоотлар ўлчамлари чегараси)ни жойлаштириш учун мўлжалланган захира участкалари ҳам киритилиши лозим.

Иморатлар қурилган майдон таркибига, бино ва иншоотлар атрофидаги нишаб йўлкалар, тротуарлар, автомобиль ва темирйўл излари, темирйўл станциялари, вақтинча бино ва иншоотлар, очиқ спорт майдончалари, меҳнаткашлар дам олиши учун майдончалар, яшил дов-дарахтлар (дарахт, бута, гул ва майсалар), очиқ сув чиқариш ва бошқа турдаги ариқлар, девор тиргаклари, устига бошқа бино ва иншоотлар жойлаштирилиши мумкин бўлган ерости бино ва иншоотлари ёки уларнинг қисмлари эгаллаган майдонлар киритилмайди.

3. Бино ва иншоотлар эгаллаган майдонлар юзасини ҳисоблаш уларнинг ташқи деворларининг ташқи контури бўйича, ернинг режавий сатҳида бажарилади.

Галерея ва эстакадалар эгаллаган майдонлар юзасини ҳисоблашда иморатлар қурилган майдон таркибига галерея ва эстакадалар тагига габарит ўлчамлари бўйича бошқа бинолар ёки иншоотлар жойлаштирилмайдиган участкаларнинг горизонтал текисликка проекцияси киритилади, бошқа участкаларда фақат галерея ва эстакадалар таянчларининг пойдеворлари эгаллаган майдон ҳисобга олинади.

4. Корхоналар нишаблик 2 фоиз ва ундан кўп бўлган ҳудудларда қурилганда иморатлар минимал зичлигини қуйидаги жадвалга мувофиқ камайтиришга йўл қўйилади.

Нишаблик, фоиз	Иморатлар зичлигини камайтириш бўйича тузатиш коэффиценти
2 — 5	0,95 — 0,90
5 — 10	0,90 — 0,85
10 — 15	0,85 — 0,80
15 — 20	0,80 — 0,70

5. Қуйидаги ҳолатларда иморатлар минимал зичлигини (тегишли техник-иқтисодий асослаш мавжуд бўлганда) камайтиришга йўл қўйилади, лекин камайтирилган зичлик ушбу иловада белгиланган зичликнинг 1/10 қисмидан кўп бўлмаслиги керак:

- а) корхоналарни кенгайтириш ва реконструкция қилишда;
- б) таркибида тайёрлов (қуйиш, темирчилик-пресслаш, копёр) цехлари бўлган машинасозлик саноати корхоналарида;
- в) мураккаб муҳандислик-геологик ёки бошқа ноқулай табиий шароитлари мавжуд ҳудудларда корхоналар қурилишида;
- г) бассейнли, ёғоч аралаш цехлари билан жиҳозланган дарё кемаларини таъмирлаш корхоналарида;
- д) оғир энергетик ва транспорт машинасозлиги корхоналари учун узунлиги 6 m дан кўп юкларни (оғир кранларнинг кўприклари, тепловоз ва вагонлар рамаларининг йирик деталлари) тиркамалар, трейлерда ташиш ёки массаси 10 t дан кўп ногабарит ёки йирик габаритли юкларни (буғ қозонлари блоклари, атом реакторлари корпуслари) цехлараро темирйўлда ташиш зарурати мавжуд бўлса;
- е) электротехника саноати, газ саноати, балиқ хўжалиги, қишлоқ хўжалиги техникаси, маҳаллий саноат корхоналари, шунингдек сут, пишлоқ ишлаб чиқариш, қандолат саноати корхоналари учун корхоналар ҳудудларида энергетика объектлари ва сув сўргич иншоотларини қуриш зарурати мавжуд бўлганда.